

425

Ўттинч олтинчи йил чиқиши
Жумодуссоний 1443х
Январ 2022м



Ал-Ваъй

Кенг кўламли,
фикрий, сақофий журнал



Умат ҳокимиятини қайтариб олиш режимларни қулатиб, Халифалик давлатини барпо этиш орқали амалга ошади (2)

Британиянинг Мағриб юртлиридаги таъсири илдилларини бошидан охиригача геостратегик ўрганиш (2)

Рейтинг агентликлари ва халқаро молия муассасалари сиёсий устунликка қандай йўл очади



425

Ўттиз олтинчи
йил чиқиши
Ж. соний 1443х
Январ 2022м

Ливан 1000 лира

Яман 30 риёл

Туркия 1 доллар

Покистон 1 доллар

Австралия 2,5 доллар

Америка 2,5 доллар

Канада 2,5 доллар

Германия 2,5 евро

Швеция 15 крон

Бельгия 1 евро

Швейцария 2 франк

Австрия 1 евро

Дания 15 крон

Урибу сонда

- **Ал-Ваъй сўзи:** Америка Афғонистондаги ҳарбий урушини сиёсий ва иқтисодий урушга ўзгартирди..... 3
- Уммат ҳокимиятини қайтариб олиш режимларни қулатиб, Халифалик давлатини барпо этиш орқали амалга ошади (2)..... 12
- Британиянинг Мағриб юртларидаги таъсири илдизларини бошидан охиригача геостратегик ўрганиш (2)..... 32
- Рейтинг агентликлари ва халқаро молия муассасалари сиёсий ҳукмронликка қандай йўл очади..... 46
- Физик тенглама ва қонунларга ким олов пуфлаб, уларни коинотга узатган?..... 56
- **Олам муслмонлари хабарлари** 62
- **Қуръони Карим суҳбатиди** 67
- Араб баҳори ҳали тугагани йўқ 71
- АҚШ Конгресси бутун дунё бўйлаб исломофобияга қарши кураш бўйича резолюция лойиҳасини ёқлаб овоз берди 72

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

АМЕРИКА АФҒОНИСТОНДАГИ ҲАРБИЙ УРУШНИ СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ УРУШГА ЎЗГАРТИРДИ

Америка Афғонистондан чиқиб кетди. Лекин уни мустамлака қилиш истагидан воз кечмади. Балки, кичик Буш ва унинг неоконсерватив командаси даврида давом этиб келган қаттиққўл (ҳарбий) куч қўллаш ҳамда бевосита босиб олишдан воз кечганидан кейин, юмшоқ (маънавий) кучни қўллаш ғоясига мос равишда, Афғонистонда ўз нуфузини ўрнатишга ҳаракат қилмоқда. Ҳарбий куч қўллаш ва тўғридан-тўғри босиб олиш бир қутбли тизим билан дунёни бошқариш стратегиясининг асосий белгиларидан эди. Бир қутбли тизим муваффақиятсизликка учрагани сабабли Обама даврида ундан воз кечилгани эълон қилинди. Чунки Америка ўз одамлари ва нуфузини ўрната олмади, режимни ўзгартиролмади. Демократияни ўрнатишда ва барқарорликни рўёбга чиқаришда муваффақиятсизликка учради. Улкан инсоний ва молиявий йўқотишларга учради, халқаро мавқеи тебраниб қолди. Буни бошқалардан олдин АҚШ расмийларининг ўзлари тан олишди. Байденнинг: «Афғонистон империялар қабристонидан» деган сўзларни такрорлаши, ушбу такрорий муваффақиятсизликнинг энг тўғри ифодасидан бошқа нарса эмас.

Айтилишича, Америка Афғонистондан аввал ҳам чиқиб кетмоқчи бўлган. Аммо, у ердан чиқиб кетиш оғриқли бўлгани учун Байден даврида ўзининг сўнгги қарорини қабул қилганига қадар ҳар сафар бу масалада иккиланиб келди. Аслини олганда, унинг чиқиб кетиши аскарларининг шаънини, ўзининг халқаро майдондаги обрўсини сақлаб қоладиган чиқиш бўлмади. Балки оғриқли ва таҳқирловчи қочиш бўлди. Бу унинг обрўсига таъсир қилди ва унга бўлган халқаро ишончни янада сўндирди. У билан ҳамкорлик қилганлар барча қуроолларни ортда қолдириб, қочишга уриниш пайтида самолётлардан қулар экан, бу билан унинг ҳайбати ҳам қулади.

Бироқ, Американинг дунёни ёлғиз ўзи бошқариш сиёсатида муваффақиятсизликка учраши, унинг биринчи мустамлакачи

давлат бўлишдан воз кечганини англамайди. У ўзининг халқаро мавқеини сақлаб қолишга қаттиқ ҳаракат қилади. Тўғрироғи, бу шуни англатадики, Америка Афғонистонни мустамлака қилиш сиёсатини бекор қилмайди, балки, ўзининг услубини ўзгартиради. Демак, унинг Афғонистондан чиқиб кетишига ушбу юртни мустамлака қилиш услубининг ўзгартирилиши деб қаралиши керак. Бу шуни тасдиқлайдики, Афғонистон Евроосиёдаги халқаро можаролар марказида бўлган географик жойлашуви билан ажралиб туради. У ерда Хитой ва Россия билан кескин рақобат мавжуд. Шунингдек, Афғонистон очкўз давлатларнинг сўлагини оқизадиган ресурсларга бой. Қолаверса, агар Америка ушбу минтақани тарк этадиган бўлса, уни ўзи билан рақобатлашаётган бошқа давлатларга қолдирган бўлади. Бу эса унга, унинг манфаатларига ва халқаро мавқеига зарар етказиши ва бундан халқаро майдонда у билан курашаётган душманлари, айниқса, Хитой ва Россия фойда кўради... Хўш, Америка Афғонистонни тўғридан-тўғри босиб олишда муваффақиятсизликка учраганидан кейин, у ерни ўз назорати остига олиш учун қандай янги режа тузмоқда?!

Афғонистонга мустамлакачи ва рақобатчи давлатлар, хусусан, Америка кўз тиккан:

Афғонистоннинг ресурсларга бойлиги уни мустамлакачи давлатлар кўз тиккан мамлакатга айлантди. Чунки унинг нефт ва газ каби жуда қимматли конлари ҳамда олтин, мис, темир, кобальт ва литий, шунингдек, стратегик аҳамиятга эга бўлган ноёб уран каби қазилма бойликлари триллионлаб долларларга баҳоланади. У ерда қиймати 535 миллиард доллардан ортиқроққа баҳоланган 60 миллион тонна мис борлиги тахмин қилинади. Бундан ташқари, 2,2 миллиард тонна темир рудаси борлиги айтилади. АҚШ геологик хизмати маълумотларига кўра, темир рудасининг қиймати тахминан 420 миллиард долларни ташкил этади. Олтинга келсак, Афғонистонда қиймати 350 миллиард долларга баҳоланган бешта олтин кони бор. Мармар тошнинг 400 хил тури, шунингдек, қиймати 88 миллиард долларга баҳоланган берилл захираси мавжуд. Афғонистон қимматбаҳо тошларни сотишдан йилига 160 миллион доллар даромад топади. Бундан ташқари, 1,4 миллион тонна нодир металллар, электромобил аккумуляторларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган литий захираси бор. Бу бойликлардан

ташқари Афғонистонда 100 миллиард долларга баҳоланган 1,6 миллиард баррел хом нефт бор. 16 триллион куб фут табиий газга қўшимча, 500 миллион баррел табиий газ бор.

Шу билан бирга Афғонистонда бир қиротининг нархи 150 долларга етиши мумкин бўлган қимматбаҳо «лазурит» тоши мавжуд... Бу ерда биз Афғонистон бойликлари ҳақида аниқ статистик маълумот бермоқчи эмасмиз. Аксинча, бундай бойликлар мустамлакачи давлатлар эътиборидан четда қолиши мумкин эмаслигига ишора қилмоқчимиз. Бироқ мустамлакачи давлатлар олдида бу бойликларни эгаллаб олишларига монеълик қилаётган муаммо мавжуд. Бу муаммо мустамлакачи давлатларнинг тарих давомида Афғонистонни босиб олишда кетма-кет муваффақиятсизликка учрашларидир. Бугунги кунда бу муаммо Американинг муваффақиятсизлигида очиқ кўриниб турибди. Биз Американинг ушбу бойликларни бошқасига қолдириб чиқиб кетиши мумкин эмаслигини айтдик. Айниқса, бу бойликлар орасида халқаро позицияни кучайтириш ва стратегик қуролларга эга бўлишда таъсири кучли бўлган стратегик бойликлар бор. Улар мустамлакачи давлатлар унга эгалик қилишга ва бошқа рақобатчи давлатларни ундан маҳрум этишга ҳаракат қиладиган бойликлардир. Шундай экан, Американинг ушбу мамлакатни бошқасига қолдириб чиқиб кетиш ҳақида шунчаки ўйлаши ақлга сиғадими?!

Американинг Афғонистонни жиловлаш борасидаги кенг кўламли режаси:

Хуллас, қаршимизда Американинг навбатдаги режаси турибди. Афғонистонга бошқа эшикдан олиб кирилажак бу режа очиқ бўлиб, унда ўйин қоидаларига риоя қилинмайди. Шунингдек, бу режа юмшоқ (маънавий) куч услубларини қўллашга таянади. Бу услубларни қўллаш орқали Америка режимларни жиловлашга ва уларни ўз сиёсатига бўйсундиришга эришади.

Ушбу услублар қуйидагилардир:

– **Ўзига тобе маҳаллий сиёсий етакчилар етиштириб чиқариш, ўзига хизмат қиладиган одамларни сотиб олиш ва уларни пул, куч ва ахборот орқали қўллаб-қувватлаш...**

– Баъзи куч органларидан – армия ёки қабилалардан – ўзига одам сотиб олишга ҳаракат қилиш. Бундан ўзгартириш

амалиётини такомиллаштиришда ёрдам беришлари учун уларни ўзининг сиёсий малайлари ёнига қўйиш кўзланган.

– **Ўткир ҳаётий муаммоларни қасддан пайдо қилиш. Ўзгартирилиши керак бўлган ҳукмдорларнинг айна муаммоларни ҳал этишдан ожизликларидан фойдаланиб, одамлар наздида уларга альтернатив рақобатчи малайларига имкониятлар яратиш...**

– **Иқтисодий муаммолар ҳал этилишига тўсиқ бўладиган оммавий тартибсизлик ва норозилик намоишларини келтириб чиқариш...** Норозилик ва анархия муҳитини пайдо қилиш учун Америка оммавий ахборот воситаларидан фойдаланади... Ташқи кучлардан ёрдам сўрашга ва ҳаром қилинган риболи қарз олишга мажбурлаш учун босим ўтказади. Ташқи кучлардан ёрдам сўраш ва улардан қарз олиш билан улар ўз иродасини гаровга қўйишга ва садоқатини ўзгартиришга мажбур бўлишади... Агар улар бу ишларни муваффақиятли амалга ошира олишмаса уларни ўзгартиради...

– **Халқаро Валюта Фонди, Жаҳон Банки ва халқаро рейтинг агентликлари каби халқаро иқтисодий ташкилотларга мурожаат қилиш.** Бу ташкилотлар ғарбнинг халқларни мустамлака қилишдаги энг муҳим қуролидир. Ғарб у орқали халқлар ва давлатлар устидан ҳукмронлик қилади ҳамда уларни ўзининг ҳаром судхўрлик қарзлари «меҳр шафқати» остига солади. Бу эса уларнинг қашшоқлигини ошириб, ғарбнинг қўл остига тушириб қўяди...

– **Мамлакат аҳлидан ҳукмдорларга қарши қуролли гуруҳларни шакллантиришга ва қабилаларни ўзига мойил қилишга ҳаракат қилади.** Уларнинг масалаларини халқаро масалага айлантириш учун уларни қурол ва медиа минбарлари билан таъминлайди. Кейин эса, у ерга ўзлари мансуб бўлган йирик давлатларнинг сиёсий дастурини олға сурадиган халқаро элчиларни юборади. Шундай қилиб, ўзига малай ҳукмдорларни ўрнатиш, янги бошқарув тизими ва конституцияларни жорий қилиш мақсадида якуний ечимга эришиш бўйича қабилалар вакиллари билан музокаралар бошланади...

– **Мазҳаблар, гуруҳлар ва ирқлар ўртасида низоларни кўзғайди ҳамда озчилик ғоясини ёйишга ҳаракат қилади.** Буларнинг барчаси инсон томонидан яратилган илмоний

конституцияни жорий этиш ҳамда мамлакатни демократик фикрларга ва фуқаролик бошқаруви шаклига мувофиқ қуриш учун амалга оширилади...

– **Агар уларнинг аъзолари зарар кўрса ёки ҳибсга олинса**, уларни молиялаштирадиган ва ҳимоя қиладиган фуқаролик жамияти ташкилотларини пайдо қилиш устида ишлайди. Бундай ташкилотлар инсон ҳуқуқлари, тинчлик, аёллар ва журналистлар ҳуқуқлари ҳамда эркинликлар ва инсонпарварлик каби номлар остида намоён бўлишади... Шунингдек, улар шубҳали ҳаракатларни амалга оширишади. Оммавий ахборот воситалари эса уларни ҳимоя қилиб, ғояларини тарғиб қилади ва бу ташкилотларга қаршилик қилаётган ҳукуматларга ҳужум қилади...

– **Ғарбнинг халқлар ва давлатларни мустамлака қилишда фойдаланадиган юмшоқ куч қуроли ичида энг хатарлиси минтақадаги малай ҳукмдорларини яширин қурол сифатида ишлатиши бўлса керак.** Зеро улар жабрланган одамларга ёрдам кўрсатишни баҳона қилиб ҳамда қуролли гуруҳларга ёрдам бериш ва уларни пул ва қурол билан таъминлаш орқали, агар қўшни бўлсалар муҳтож ва қочқинлар лагерини қуриб бериш орқали уларнинг ишларига аралашадилар... Бундан мақсад, уларнинг иродасини гаровга қўйиш, компасни улар тобе бўлган давлат манфаатига йўналтириш, низоларга аралаштириш, улар фаолият қиладиган яширин кун тартибининг бир қисми бўлган шартлар ва қизил чизиқларни белгилаш, можаро марказидаги мамлакатнинг бўлажак раҳбарларини ўз малайларига айлантиришдир. Бу карта энг хатарли карта бўлиб, Ғарб ундан давлатларни ўзига малай қилишга жалб қилишда фойдаланади. Йирик давлатлар бу ифлос ўйинни бошидан охиригача ўз манфаати йўлида бошқаради ва унинг тизгинини ўз қўлида ушлаб туради. Натижада барча оқавалар унинг канализациясига тушади.

Агар Афғонистонда бўлаётган воқеаларга назар ташласак, юқорида айтиб ўтилган ишларнинг деярли барчаси у ерда амалга ошириладиганини кўрамиз. Дарҳақиқат оммавий ахборот воситалари бир қанча хабарларни тарқатган, қўйида уларни мисол тариқасида келтирамиз:

- Америка Афғонистон марказий банкининг 9,4 миллиард доллар миқдордаги захираларини музлатиб қўйди. Бу захиралар шу йилнинг ёзида Толибон мамлакат узра назоратни қўлга

киритганидан кейин Америка маъмурияти томонидан қўлга киритилган. Афғонистонда банк тизимига қўйилган халқаро чекловлар кучаймоқда. Бу эса иқтисодни инқирозга олиб келади... Толибон «кенг қамровли» ҳукумат тузмағунича ҳамда аёллар ва озчиликлар ҳуқуқларини таъминламағунича, аёллар таълимини йўлга қўймағунича Байден маъмурияти маблағларни ажратмайди. (Бу нарсалар ҳукуматни таслим қилиш учун Америка томонидан қўлланган қурол эмасми?).

- АҚШнинг Афғонистонда қилган молиявий босими Афғон валютасининг долларга нисбатан деярли 12 % қийматини йўқотишига олиб келди. БМТ мамлакат банк тизими Афғонистон иқтисодиётини 30 %га қисқартириши мумкин бўлган «катта» муваффақиятсизлик хавфи остида эканлигидан огоҳлантирди. Унинг таъкидлашича, Афғонистон ва Толибон яккаланиб қолишда давом этар экан, мамлакат иқтисодиёти ва молиявий тизими сўнги ҳафтаalarda ҳалокатли қурғоқчилик ва эпидемия туфайли тобора кучайиб бораётган инқироз ёқасида қолмоқда... (Бу навбатдаги хабар бўлиб, у мамлакатга босим бериш ёки уни таслим қилишга қаратилган).

- Саудия Арабистони афғон халқини қўллаб-қувватлаш учун қуруқлик ва ҳаво «кўприги» яратди. Покистон сенати раиси сенатор Мухаммад Содиқ Санжроний Саудия Арабистонининг Афғон халқига қаратилган саъй-ҳаракатларини юқори баҳолади. У ўз сўзини таъкидлар экан, бундай деди: «Қироллик биринчи бўлиб уларга ёрдам қўлини чўзди ва Афғон халқини қўллаб-қувватлаш механизминини ишлаб чиқиш учун Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар вазирлар кенгашининг навбатдан ташқари ўн еттинчи сессиясини Покистон пойтахти Исломободда чақириш ташаббуси билан чиқди». Бу ташаббусда одатда қўллаб-қувватлаш вазифаси ишониб топширилган қўллаб-қувватловчи давлатларга ишора қилинган. Уларнинг қўллаб-қувватлови ёрдам олган давлатнинг иродасини гаровга қўйишдан иборатлиги ҳеч кимга сир эмас. Зеро, бу нарса бугунги кунда захри-қотил ёрдам, дея ифодаланади. Бу ердаги қўллаб-қувватловчи давлатлар Покистон, Саудия Арабистони, Ислом ҳамкорлик кенгаши вакили бўлган Форс кўрфази давлатларидир. Бу ишлар йирик давлатларнинг режаларига хизмат қиладиган яширин ва миналанган аралашув ҳисобланади. Афғонистонга ёрдам кўрсатувчи энг хавфли қўллаб-

қувватловчи давлатлар Туркия ва Қатар бўлса керак. Туркиянинг Сурияга нисбатан шармандали ва жинойий позицияларни эгаллагани ва Сурия халқига нисбатан энг қабиҳ роллардан бирини ўйнагани ҳеч кимга сир эмас.

- АҚШ давлати котиби Энтони Блинкен ва унинг қатарлик ҳамкасби Муҳаммад ибн Абдуррахмон оли соний шартнома имзолади, унга кўра, Қатар Афғонистондаги АҚШ манфаатларини ҳимоя қилувчи куч ролини ўз зиммасига олади. Блинкен «Қатар Афғонистондаги элчихонасида маълум консуллик хизматларини кўрсатиш, вазиятни кузатиш ва АҚШнинг Афғонистондаги дипломатик муассасалари хавфсизлигини назорат қилиш учун АҚШ манфаатлари бўлимини ташкил қилади», деди. У «Бу йил Қатар АҚШ билан яқин ҳамкорлик қилганида дўстлигимиз янада яқинлашди», дея қўшимча қилди. Бу бизга Қатарнинг Саудия Арабистони, Туркия ва Эрон билан бир қаторда Шом қўзғолонига хиёнат қилгани ва ундан воз кечганини эслатади. Уларнинг бу хиёнати қотил жиноятчини мағлубиятдан қутилиб қолишига сабаб бўлди. Улардан эҳтиёт бўлиш лозим, чунки улар инсонийлик ва биродарлик ёрдамидан таклиф қилар эканлар, Афғонистон ҳукмдорларини бошқалардан кўра кўпроқ алдаши мумкин...

- Фуқаролик жамияти ташкилотларига келсак, улар ҳақида қуйидагича хабар берилганди: «Толибон ҳаракати пойтахт Қобул яқинида тобора кўпроқ аҳоли пунктларини қўлга киритар экан, «Ўзаро ҳамкорлик» ва «Тинчлик учун альянс» ташкилотларининг Жо Байден маъмуриятдан Афғонистон фуқаролик жамияти ташкилотларида ишлаган барча афғонлар ва уларнинг оилаларига миграция воситаларини тезлатиш учун ёрдам беришни талаб қилгани хабар қилинган. Бу хабар АҚШ билан унинг мустамлакачилик қуролларидан саналган ушбу ташкилотлар ўртасида алоқа мавжудлигини кўрсатади.

- Германия музейи «бирдамлик ташаббуси» сарлавҳаси остида афғонистонлик аёл ва эркак рассомларни қабул қилмоқчи бўлгани ҳақида янгилик эълон қилинган. Хабарда келишича, «Германия санъат музейи ва медиа маркази Толибон ҳаракати томонидан таъқибга учраган эркак ва аёл рассомларни қабул қилиш ниятида экани айтилган. Ташаббус афғон санъаткорларининг халқаро ҳамжамият ва жаҳон етакчиларига

«Келажак авлодлар учун афғон руҳи ва маданиятини сақлаб қолиш» зарурлиги ҳақида қилган муурожаатидан кейин кўтарилди.

- Афғонистондаги ҳукуматни очиқчасига ва Исломни яширин тарзда обрўсизлантириш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш. Бу иш «Афғонистон энди тикланмайди... У «тош асри»дан бери вайрон бўлган мамлакат» каби ғаразли сарлавҳалар ҳамда «Германия ҳукумати Афғонистондаги журналистларга ёрдам бериши лозим», «Афғонистон аёллари қачонгача чор девор ичида ўтиради», «Афғон аёллари Толибон репрессиясига қарамай, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қатъий», «Афғонистон: Адлия низоми аёлларни мағлуб қилади», «Ёш қизчаларни турмушга беришга қандай рози бўласизлар» каби фикрлар орқали амалга оширилади.

Булар Афғонистонни юмшоқ (маънавий) куч қўллаш орқали қайта мустамлака қилишда Америка фойдаланадиган қуроллар бўлиб, уларнинг хатари қаттиқ (ҳарбий) куч қўллашдан кам эмас. Шунинг учун унга қарши курашиш ва унга яқинлашмаслик лозим. Лекин унинг устидан ғалаба қилиш Исломни ақида, ҳаёт тизими ва яшаш тарзи сифатида ушлаш орқали амалга ошади. Унда садоқат Аллоҳга, Росулига ва динига чекланган бўлади ҳамда куфр ва унинг барча шаклларидадан воз кечилади... Яна ҳам кенгроқ ифодаладиган бўлсак, бу фақат рошид Халифаликни барпо этиш орқали бўлади. Ана ўшанда Халифалик исломий бошқарувни соғинган Умматни ва уларнинг имкониятларини, шунингдек, юртларининг тарифлаб бўлмайдиган ресурсларини жамлайди. Бундан ташқари, рошид халифалар сийратини такрорлайди. Ёлғиз Халифаликкина ҳеч ким унинг ёйилишини олдини олишга қодир бўлмайдиган лойиҳа бўлиб, угина Америкага қарши чиқиб унинг устидан ғалаба қилади.

Америка устидан ҳарбий соҳада ғалаба қилган Афғонистон Халифаликни барпо этишга ҳаракат қилиш орқали дунё давлатлари устидан ғалаба қилиши лозим. Биз бир бутун Уммат сифатида Афғонистондаги ҳарбий урушдан қочаётган Америка устидан сиёсий, иқтисодий, фикрий соҳада ғалаба қилишимиз лозим. Бу урушлар гарчи Америка курашаётган давлатлар учун ҳалокатли бўлса-да, Халифалик давлатига нисбатан заифдир ва тез орада Америка қулайди; Чунки фақат исломий тузум қисқа вақт ичида Американи енгишга қодир. Афғонистоннинг ҳозирги

ҳукмдорлари биз юқорида айтиб ўтган ҳақиқатни англаб етишлари керак. Улар билиши лозимки, барчалари Аллоҳ Таолонинг ҳузурида рошид Халифаликни барпо этиш орқали ўз юртларида ва барча мусулмон юртларида динни гавдалантиришдан масъулдирлар... Мақола якунида Расулуллоҳ ﷺнинг:

«مَنْ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَيَّ مِنْهَا جِ النَّبُوَّةِ»

«Сўнгра пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик бўлади», дея қилган башоратларини келтирмоқчиман. Халифаликка интилаётган мусулмонларга Аллоҳ ёрдам берсин. Дарҳақиқат, Расулуллоҳ ﷺнинг ҳадисларини ҳаётга татбиқ этишдан кўра шарафлироқ амал йўқ. Эй Аллоҳим, бизларни ўзингни итоатингдагилардан қил. Эй Аллоҳим, бизларни охирзамонда Ўзингга яқин бандаларингдан қил... Аллоҳумма омин. □

**УММАТ ҲОКИМИЯТИНИ ҚАЙТАРИБ ОЛИШ РЕЖИМЛАРНИ ҚУЛАТИБ,
ХАЛИФАЛИК ДАВЛАТИНИ БАРПО ЭТИШ ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШАДИ (2)
(ИЛМОНИЙ РЕЖИМЛАР ВА СУНЪИЙ ҲОКИМИЯТ)**

**Муҳандис Носир
Ваҳон Лаҳабий – Яман**

Юз йилдан ортиқ вақтдан буён Уммат мустамлакачи кофир тарбиялаб етиштирган тоғутлар ҳукмронлиги остида азоб чекмоқда. Улар Умматни куфр, залолат, зулм, фисқ-фужур ва истибдод билан бошқаришмоқда. Бу режимлар ношаръий йўл билан ҳукм юритишмоқда. Уларда «Хўжайинлик шариатники ва ҳокимият Умматники» деган қоида асосидаги шаръий сифат йўқ. Шундай экан, бу сунъий ҳокимиятдир. Чунки ҳукмдорни илмонийлик ва либерализм асосида бошқариши учун тайинлаш куфрдир.

Рувайбизаларни тайин қилиш ва сунъий ҳокимиятни пайдо қилишнинг маккорона услублари:

1 – Мустамлакачи кофир юз йилдан бери ўзининг мақсадлари, фитналари ва жинойткорона режаларини рўёбга чиқариш учун мусулмонлар юртларини бошқарадиган зolim ҳукмдорларни тайинлаб келмоқда...

2 – Ушбу ҳукмдорларни ҳимоя қилиб, уларни маблағ, қурол-яроғ билан қўллаб-қувватлаб келди. Бунда ҳукмдорларнинг инқилоб орқали ёки мерос йўли билан ёки сайловларни сохталаштириш орқали ҳокимиятга келишининг фарқи йўқ...

3 – Ҳукмдорга ботил асосидаги, яъни Аллоҳ ҳокимиятига эмас, балки халқ ҳокимиятига асосланган ҳокимиятни берадиган демократик сайловларни ўтказиш. Бу сайловларда номзодларга фисқу фужур ва адолатсизлик каби Исломга зид ишлар шарт қилинади. Уларнинг сиёсий программалари куфрга асосланади...

4 – Мустамлакачи кофир ўзи жорий қилган ҳокимият орқали илмоний конституция ва инсон ўйлаб топган қонунлардан иборат ўзининг қонунчилик ғояларини зўрлаб тиқиштирди. Шунингдек, мамлакат иқтисодини эркин бозор иқтисодига асосланган иқтисодга боғлиқ қилиб қўядиган ҳамда уни турли шартнома, келишув ва риболи қарзларга боғлайдиган иқтисодий сиёсатни ҳам жорий қилди. Бундан ташқари, ўзининг сақофий сиёсатини жорий қилиб, уни институт ва университетларда ўқитди ҳамда ҳуқуқ ва қонуншуносликда машъалага айлантирди. Сўнг турли

ташкilotлар, конференциялар, тадқиқотлар ва ғарб тадқиқот марказлари учун мамлакат эшигини очиб берди...

Мустамлакачи мусулмонларни бошқараётган ҳукмдорлар сиёсатини қўйидагича белгилади:

1 – Ҳукмдор мустамлакачи кофир фикрлари билан ҳукм юритади ва унинг сиёсати бўйича юради. Акс ҳолда, бу малайни уруш йўли билан (Ироқ), ёки инқилоб орқали (Миср), ёки қатл қилиш орқали (Яман) ёки бошқа услублар билан олиб ташланади.

2 – Умматни уйғониш сабабларига яқинлаштирмаслик. Шунингдек, уни барча соҳаларда қолоққа айлантириш ҳамда куч, ривожланиш ва технология жиҳатидан тубан аҳволга солиш.

3 – Ҳукмдорларни барча сиёсат, иш-фаолият, режалар ва дастурларда мустамлакачига мурожаат қилишга мажбурлаш. Бу ҳолат сиёсат, иқтисод, ҳарбий ишлар, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш, хизматлар, медицина, таълим сиёсати ёки бошқада бўлишининг фарқи йўқ.

4 – Мамлакат бойликлари ва имкониятларини стратегик ҳамкорлик, келишув, битимлар номи остида мустамлакачига топшириш. Шунингдек, мамлакат ва одамларни ёрдам ва қарзлар эвазига гаровга қўйиш.

5 – Малай ҳукмдорнинг мустамлакачининг мамлакат ташқарисидаги режа ва фитналарини амалга ошириш учун прокси урушлар (ўзга давлатнинг қўли орқали уришиш) олиб бориши. Бу нарса Оли Саудни Яман, Сурия ва Ироққа қарши ҳаракатлантирганда, ёки Эронни Сурия, Ироқ, Яман ва Ливанга қарши ҳаракатлантирганда ёки Амирликларни Британия томонидан Яманнинг жанубига қарши ҳаракатлантирилганда, ёки Туркия ва малай Эрдоганни Сурия, Ироқ ва Ливияга қарши ҳаракатлантирилганда яққол кўринди.

6 – Муборак Фаластин еридаги яҳудий вужудининг тинчлиги ва хавфсизлигини сақлаш. Шунингдек, малай ҳукмдорларни яҳудий вужуди билан алоқаларни нормаллаштиришга мажбурлаш, Умматни муқаддас ерни озод қилиш учун жиҳод қилишига йўл қўймаслик ва Умматни (Қуддус куни) каби муносабат ва шиорлар билан чалғитиш. Токи Уммат Фаластинни босқинчи сионистларнинг ифлосликларидан тозалаш учун жиҳод қилишдан чалғисин.

Мусулмонлар ҳоқимиятининг қайта тикланишига тўсқинлик қилувчи маккорона услублар:

Дарҳақиқат, Уммат ўз ҳоқимиятини (ҳоқимиятини) қайта тиклаш учун турли йўл ва услублардан фойдаланди. Лекин ҳар сафар турли сабаблар туфайли муваффақиятсизликка учради. Қуйида улардан айримларини келтирамиз:

Биринчидан: Мустамлакачи кофир Уммат ҳоқимияти (ҳоқимияти) қайта тикланишининг нақадар хатарли эканини тушунди. Шунинг учун у зоҳирда Исломни, ботинда эса илмонийликни шиор қилиб кўтарган, кофирларга қарши ахборот урушини қилиш орқали мусулмонларнинг тўйғуларини қитиқлаган малайлар орқали бу ишни муваффақиятсизликка учратиш учун ҳаракат қилди. Бу нарса (Америка ва Эрон), (Америка ва Туркия), (Америка ва Ҳусийлар жамоаси) ўртасидаги воқеаларда кўзга ташланди. Масалан, Ҳусийлар (Америкага ўлим) шиорини кўтарсада ёки Америка уни (террор жамоалар) сафига қўшса-да, уни қўллаб-қувватлайди. Бу эса уруш майдонлари, юришлар, ахборот ишлари ва мурожаатларда унга халқнинг қўшилишида ёрдам беради. Чунки Америка уни кечаю-кундуз душман деб эълон қилади. Бу Умматдан ҳоқимиятни (ҳоқимиятни) тортиб олиш услубларидан биридир.

Иккинчидан: Қўзғолонларнинг ичига кириб олиш, уни ўғирлаш ва йўналишини буриб юбориш, шунингдек, 2011 йилдаги қўзғолонларда бўлгани каби ўзгартириш тўлқинини жиловлаш. Сўнгра қарши қўзғолон номи остида мамлакатни программалаштирилган вайронагарчилик ва зўравонликка солиш учун режа тузиш...

Учинчидан: Холис ва онгли ҳамда сиёсий ва фикрий ўзгартириш тарафдори бўлган жамоаларга қарши хунук қилиб кўрсатиш кампаниялари, ахборот ҳужуми, тақиқлаш, ман қилиш, одамларни улардан қўрқитиш, ҳибсга олиш, азоблаш ва ҳатто ўлдириш орқали уруш олиб бориш...

Тўртинчидан: Ўзгартиришга чақираётган партия, жамоа ва гуруҳларни хориждаги элчилари ва ичкаридаги малай етакчилари орқали ёки қалби заифларни жалб қилиш учун пул таклиф қилиш орқали кофир давлатлар ва уларнинг жосусларига боғлаш...

Бешинчидан: Умматни беҳуда можаролар билан чалғитиш ҳамда Уммат фарзандлари Ислом душманларига хизмат қиладиган мақсад ва ғоялар йўлида вафот этишлари учун уларни тоифачилик урушлари билан банд қилиш...

Олтинчидан: Малайларни ташқи ёрдам ва ички куч ҳамда ахборот воситалари орқали ўрнатиш.

Еттинчидан: Қувват манбаларини назорат қилиш ва ҳақиқий ўзгартиришга ҳаракат қилаётган жамоаларни қўллаб-қувватлашга йўл қўймаслик.

Саккизинчи: Мусулмонларни ҳоқимиятингиз ўз қўлингизда ва демократик сайлов қутилари ҳоқимиятингизни қайтаради деб алдаш...

Рошид Халифалик ва Умнат ҳоқимиятини қайта тиклаш:

Албатта ушбу сохта режимларни қулатиш ва Умнат ҳоқимиятини қайта тиклаш шаръий вазифаларнинг энг муҳимидир. Лекин бу вожиб вазифани Муҳаммад ﷺга нозил қилинган ваҳийдан олинган тўғри минҳож ва ғоя эгаси бўлган жамоагина рўёбга чиқариши мумкин. Шунингдек, тортиб олинган ҳоқимият ва ҳақ-ҳуқуқ ҳамда йўқотилган бошқарувни қайта тиклаш учун тўғри йўлга эга, холис, онгли ва соф етакчиликка эга жамоатгина рўёбга чиқариши мумкин. Бу жамоа исломий ҳаётни қайта бошлаш ҳақида фикрлайди ва шу ғоя сари ҳаракат қилади. Шунингдек, Умнат ҳоқимияти рўёбга чиқадиган Халифалик давлатини барпо этиш орқали Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритиш сари интилади. Бу ерда биз учун муҳими Умнатга ўз ҳоқимиятини берадиган ҳукм ва меъёрлардир. Зеро, биз Умнат юрадиган ва яна қайта муваффақиятсизликка тушмайдиган дастурни шу меъёрлар асосида таъсис этамиз.

Умнат ҳаётнинг барча соҳаларида Ислом қонунларини тўлиқ татбиқ этиш имкониятига эга бўлиши учун Ҳизб ут-Таҳрир томонидан қабул қилинган шариат қоидалари ва аҳкомларини қўйида эътиборингизга ҳавола қиламиз:

Биринчи: Умнат халифани тайинлайди:

Ҳоқимият, юқорида айтиб ўтганимиздек, Ислом томонидан Умнатга берилган. Бу ҳақда Шайх Тақийюддин Набаҳоний роҳимаҳуллоҳ бундай дейди: «Шореъ ҳоқимиятни Умнатга ва халифа тайинлашни барча мусулмонга берди. Бу ишни алоҳида гуруҳ ёки жамоа қилмайди. Шундай экан, халифага байъат қилиш барча мусулмонларга фарздир. Имом Муслим Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ бундай дейдилар:

«... وَمَنْ مَاتَ وَلَيْسَ فِي عُنُقِهِ بَيْعَةُ مَاتَ مِيتَةً جَاهِلِيَّةً»

«... Бўйнида байъати йўқ ҳолда вафот этган киши жоҳилият ўлимини топибди». Шунинг учун фақатгина аҳли ҳал вал ақдгина халифа тайин қилишда ҳақдор эмас, ёки бу ишни фақат муайян шахсларгина амалга оширмайди. Балки бу барча мусулмонларнинг, модомики мусулмон эканлар ҳатто фожир ва мунофиқларнинг ҳаққидир. Чунки нусус умумий бўлиб, уни хослайдиган нарса келмаган». Шайх қўшимча қилар экан, бундай дейди: «Агар Халифалик сифатларига эга бўлган бир неча шахс йиғилиб қолса, улардан кўпчилик томонидан байъат қилингани халифа бўлади ва шундан кейин қарши чиққан киши боғий бўлади». Шайх яна айтади: «Барча мусулмонларга халифа тайинлашдаги ўз ҳуқуқларидан бевосита фойдаланиши учун имконият яратиб берилиши шарт. Улар бу ҳуқуқидан фойдаланишадими ёки йўқми бундан қатъий назар ҳар бир мусулмоннинг ўзига тўлиқ имконият берилиб, халифани тайинлаш ҳуқуқига эга бўлиши керак. Чунки Аллоҳ Таоло томонидан юкланган вазифа халифанинг тайинланишини барча мусулмонлар бажариши эмас, балки мусулмонлар розилиги билан амалга оширилишидир...

Халифа тайинлайдиганларнинг аниқ сони талаб қилинмайди, балки халифага байъат қилган ҳар қандай сон эътиборлидир. Мухими мусулмонларнинг розилик ва байъатга биноан унга итоат қилиши. Тайинланган халифа барча мусулмонлар учун халифа бўлади. Гарчи уни атиги беш киши тайин қилса-да, у шаръан халифа бўлади. Чунки улар халифани тайин қилишга келишишди ва розилик сукут сақлаш билан ва итоат қилишга шошилиш билан рўёбга чиқади... Аммо агар барча мусулмонларнинг розилиги рўёбга чиқмаса, халифа тайин қилиш жараёни тўла амалга ошмаган бўлади. Лекин бир жамоа уни тайин қилса ва барча мусулмонлар ёки уларнинг аксарияти шунга рози бўлса, халифа тайинлаш тугалланган бўлади. Бу жамоа сонининг аҳамияти йўқ... Шунга кўра, аҳли ҳал вал ақднинг байъати билангина халифа тайинлаш тугалланган бўлмайди. Халифани тайинлаш шаръий бўлиши учун уларнинг байъати шарт эмас. Балки аҳли вал ақднинг байъати мусулмонларнинг мана шу байъатга розилигига далолат қилувчи аломатлардандир. Чунки аҳли ҳал вал ақд мусулмонларни шакллантирадиган кишилардир. Мусулмонларнинг халифага байъат қилишга рози эканини кўрсатадиган ҳар қандай аломат билан халифа тайинлаш тугалланади ва унинг тайинланиши

шаръий тайинлаш бўлади. Шунга кўра, шаръий ҳукм шуки, уларнинг тайинлаши орқали мусулмонларнинг розилиги рўёбга чиқадиган жамоа халифани тайин қилиши керак. Бунда розилик аломати нима билан рўёбга чиқишининг фарқи йўқ. Яъни байъат қилувчиларнинг аксарияти аҳли ҳал вал ақд бўладими ёки мусулмонларни кўпроқ шакллантирадиган кишилар бўладими ёки мусулмонлар уларнинг байъатига сукут қилишадими ёки мана шу байъатга кўра итоатга шошилишадими бунинг фарқи йўқ... Тайинловчилар албатта аҳли ҳал вал ақд бўлиши ҳамда уларнинг сони бешта ёки беш юзта ёки бундан кам ёки ортиқ бўлиши шаръий ҳукм эмас. Шунингдек, улар пойтахт аҳолиси бўлиши ёки турли минтақаларда бўлиши шаръий ҳукм эмас. Балки шаръий ҳукм уларнинг байъати орқали мусулмонлар оммасининг розилиги рўёбга чиқиши ва бу ҳар қандай аломатлар билан бўлиши ҳамда уларга ўз фикрларини айтишига имконият яратилишидир.

Иккинчи: халифа Уммат вакилидир:

Бу борада Ҳизб ут-Таҳрир асосчиси шайх Тақийуддин Набаҳоний бундай дейди: «Халифа бошқарув ва ҳоқимиятда ҳамда шаръий аҳкомларни ижро қилишда Уммат вакилидир. Бунинг маъноси шуки, Ислом бошқарув ва ҳоқимиятни Умматга берди, Уммат эса бу ишни амалга оширишни ўз вакилига топширади. Дарҳақиқат, Аллоҳ Таоло Умматга шаръий аҳкомларнинг барчасини ижро қилишни буюрган. Халифани мусулмонлар тайин қилар эканлар, демак у бошқарув ва ҳоқимиятда ҳамда шариат аҳкомларини ижро қилишда Умматнинг вакилидир. Шунинг учун у Уммат байъат қилсагина халифа бўлади. Уммат унга байъат бериши уни Умматнинг вакили қилиб қўяди. Мана шу байъат орқали Халифага айланиши унга ҳоқимиятни беради ва Умматга унга итоат қилиши вожиб бўлиб қолади. Уммат ичидаги аҳли ҳал вал ақд розилик ва ихтиёр билан шаръий инъиқод байъатини берсагина, шахс мусулмонларнинг ишларини бошқарадиган халифага айланади».

Учинчи: Халифалик битими тузилишида Умматнинг розилиги шарт:

Шайх Тақийуддин Набаҳоний бу борада бундай дейди: «Халифалик ихтиёр ва розилик битимидир. Чунки у итоат қилиниш ҳуқуқига эга бўлган бошлиққа итоат қилишга бўлган байъатдир. Шунинг учун унда байъат қилинувчининг ҳам, байъат қилувчиларнинг ҳам розилиги бўлиши керак... Шунингдек,

одамлардан мажбурлаш ва зўрлаш йўли билан байъат олиш жоиз эмас. Чунки Халифалик мажбурлашга зид бўлгани учун, шунингдек у розилик ва ихтиёр билан амалга ошмагани учун бу битим дуруст бўлмайди. Аслида ҳар қандай битимда мажбурлаш ва зўрлаш ярамайди... Шундан кўриниб турибдики, муслмонлар уни тайинламагунча, ҳеч ким халифа бўлмайди». Шайх таъкидлаб айтади: «Халифалик ихтиёр ва розилик битимидир, шунинг учун уни қабул қилишга бирор киши мажбурланмайди ва бирор киши унга тайинланадиган кишини танлашликка мажбур эмас». Яна айтади: «Муслмонлар уни тайинламагунларича ҳеч ким халифа бўлмайди ва Исломдаги ҳар қандай шартнома сингари унинг учун Халифалик қонуний йўл билан тўзилмаган бўлса, ҳеч ким Халифалик ваколатига эга бўлмайди».

Тўртинчи: Халифалик мерос ва валиаҳдлик орқали тайин қилинмайди:

Ҳизб ут-Таҳрир бир нечта китобларида бу ҳақида бундай дейди: «Халифалик мерос ва валиаҳдлик орқали тайинланмайди. Чунки у муслмонлар ва халифа ўртасидаги битим бўлиб, унда муслмонлар томонидан байъат бўлиши ҳамда байъат қилинаётган шахснинг розилиги шарт. Мерос ёки валиаҳдликда бу нарса содир бўлмайди. Шунинг учун Халифалик бу йўл билан тайинланмайди. Шунга кўра, бир халифа ўзидан кейинги бошқа халифани мерос йўли орқали тайин қилиб қўйиши билан Халифалик битими боғланмайди. Чунки бунда у битим тўзиш ҳаққига эга эмас. Халифалик муслмонлар учундир, халифа учун эмас. Муслмонлар ўзлари хоҳлаган киши билан Халифалик битимини тўзишади. Халифа бошқасига Халифаликни мерос қолдириши эса дуруст эмас. Чунки бу ўзи эга бўлмаган нарсани беришдир, ўзи эга бўлмаган нарсани бериш эса шаръан жоиз эмас... Аммо Абу Бакрнинг Умарни халифа қилиб тайин қилиши ва Умарнинг олти кишини халифа қилиб тайин қилиши ҳамда муслмонлар бунинкор қилмай сукут сақлашганига келсак, уларнинг сукут қилишлари ижмо бўлган. Бу Халифаликни мерос қилиб қолдириш жоизлигига далил бўлмайди. Чунки Абу Бакр халифани мерос қилиб қолдирмади, балки муслмонларга ким халифа бўлиши ҳақида маслаҳат қилди ҳамда Умар ва Алининг номзодини қўйди. Муслмонларнинг аксарияти Абу Бакрнинг ҳаётлик чоғида Умарни ихтиёр қилишди. Абу Бакр вафот этгач, одамлар Умарга байъат қилишди. Ана шундагина Умар халифага

айланди. Аммо байъатдан олдин Умар на халифа бўлди ва на унга Халифалик битими боғланди. Бу иш на Абу Бакрнинг номзод кўрсатиши ва на мусулмонларнинг ихтиёри билан бўлди. Балки Халифалик битими унга боғланиб, одамлар унга рози бўлишганидан кейин халифа бўлди». Шайх қўшимча қилар экан, бундай дейди: «Валиаҳдлик Ислом низомида мункар иш ва Исломга мутлақо зид деб ҳисобланади. Чунки ҳоқимият халифаники эмас, балки Умматникидир. Агар халифа Уммат билан қолган ҳолда унинг вакили сифатида ҳоқимиятда ўтирар экан, уни бошқа бировга бериш қандай жоиз бўлади. Абу Бакрнинг Умарга нисбатан қилган иши эса валиаҳдлик эмас эди. Бу халифа тириклигида Уммат халифани танлаши бўлган эди. Лекин халифа вафот этганидан кейин халифага байъат қилинган... Муовиянинг ўз ўғли Язидни халифа қилиши эса Ислом низомига зид иш бўлган».

Шайх айтади: «Айтиш жоизки, халифа ўз ўғлига Халифаликни мерос қилиб қолдириши билан ўғил отасидан кейин халифа бўлиб қолган эмас. Отаси вафот этганидан кейин одамлардан инъиқод ва тоат байъати орқали янги байъат олинар эди. Бундан ташқари, баъзида байъат ёмон татбиқ қилиниб, розилик ва ихтиёр билан эмас, мажбурлаш орқали олинар эди. Лекин Ислом давлатининг аксар даврида ва ҳар қандай ҳолатда ҳам халифа тайинлашнинг йўли байъат бўлиб келган. Шунингдек, Халифалик мерос ёки валиаҳдлик билан эмас, байъат орқали тайинланган».

Бошқа жойда бунини муфассал шарҳлар экан, бундай дейди: «Абу Бакрнинг касаллиги шиддатли тус олиб, у ўзининг ўлими яқинлигини ҳис қилгач, одамларни йиғиб, улардан маслаҳат олар экан, бундай деди: «Нима аҳволда эканимни кўриб турибсизлар. Мен яқинда ўлишим ҳақида гумоним йўқ. Шундай экан менга берган байъатингиз ва ўртамиздаги битимнинг вақти тугади. Ўз ишингиз ўзингизга ҳавола, хоҳлаган кишингизни ўзингизга амир этиб тайин қилинг. Мендан кейин ихтилоф қилганингиздан кўра менинг ҳаётлигимда ўзингизга амир тайин қилишингиз афзалроқдир». Одамлар Абу Бакрнинг ўрнига ким халифа бўлиши ҳақида келиша олмай, яна унинг ўзига мурожаат қилишди. Улар айтишди: «Эй Росулulloҳнинг халифаси сиз нима десангиз шу». Шунда Абу Бакр: Кейин қарши чиқмайсизларми? – деган эди, улар: йўқ деб жавоб беришди. Абу Бакр: Рози бўламиз деб ваъда берасизларми деган эди, одамлар ҳа деб жавоб беришди. Абу Бакр: Ундай бўлса, менга муҳлат беринг ўйлаиб кўрай деди.

Абу Бакр кибор саҳобалар билан яширинча маслаҳат қилди, унинг фикри Умарга тўхталгач, бу ҳақда одамлар билан ошкора маслаҳат қилди. Шунда у одамларга шундай хитоб қилди: Мен халифа қилиб қолдирадиган кишига розимисиз? Мен бор куч имкониятни ишга солдим ва менинг танловим яқин қариндошим бўлмаган кишида тўхтади, деди. Шунда одамлар: ҳа албатта дейишди. Абу Бакр давом этар экан, бундай деди: мен сизларга Умар ибн Хаттобни тайинладим, унга қулоқ солинг ва итоат қилинг. Шунда одамлар: Эшитдик ва итоат қиламиз дейишди... Кейин Умарга тўла байъат қилишди... Масжидда мусулмонлар томонидан Умар ибн Хаттобга қилинган байъат унга Халифаликни тайин қилган байъат бўлди ва мусулмонлар унга итоат қилиши вожиб бўлиб қолди. Аммо Абу Бакрнинг Умарни тайинлаши уни Халифаликка номзод қилиб кўрсатишидан бошқа нарса эмас эди. Лекин бу билан у халифа этиб тайинланмади ва унга итоат этиш вожиб ҳам бўлмади. Балки бир мусулмонни номзод қилиб кўрсатиш бўлди холос, мусулмонлар эса байъат қилишлари вожиб эди.

Бу ерда эслатиш лозим бўлган яна бир нарса Устоз Аҳмад Қасоснинг Аҳмад Котибга айтган гапи бўлиб, у бундай деган эди: «Золим ҳукмдорга итоат қилиш дегани маъсиятда унга шерик бўлиш ёки у буюраётган маъсиятларни ижро қилиш дегани эмас. Балки бу шариатга мувофиқ буйруқларига итоат қилиш деганидир. Шунингдек, бу уни муҳосаба қилмаслик ҳамда унинг буйруқ ва қайтарувларига сукут сақлаш дегани эмас, балки уни муҳосаба қилиш вожиб бўлиб қолаверади. Чунки Росулulloҳ ﷺ муҳосабани жиҳод деб таърифлаганлар ва шу йўлда вафот этган кишини шаҳидлар саййиди деб сифатлаганлар. Демак, бу Аллоҳ Таолонинг адолат ҳақидаги буйруғига зид эмас.

Дарҳақиқат китобларимизда келишича, Ислом давлатининг ҳар бир фуқароси агар зулмни кўрса, мазолим маҳкамасида халифа билан судлашиши мумкин. Бундай ҳолатда халифа мазолим маҳкамаси устидан ҳукмронлик қила олмайди. Агар халифа ўз зулмида фисқ даражасига етса, мазолим маҳкамаси уни ишдан бўшатиб юбора олади. Чунки халифа бундай пайтда мазолим маҳкамаси ҳукми остида бўлади.

Золим ҳукмдорга мутлақо итоат қилмаслик керак, деган гап Ислом давлатида тартибсизликлар ва исённинг давом этишига олиб келади. Чунки зулмни аниқ белгилаб олиш ҳаммининг

имкониятида бўлган осон иш эмас ва бу улар орасида келишиб олинадиган масала ҳам эмас. Биз ҳукмдорлар ҳам бошқалар каби гуноҳдан пок эмас, деган эътиборда бўладиган бўлсак, ана шунда улардан вақти-вақти билан хато ёки зулм содир бўлиб туриши тахмин қилинади. Ўзингиз ўйлаб кўринг, агар биз ҳар бир фуқарога ҳукмдорнинг хатоси ёки зулмига қарши исён қилишига рухсат берсак нима бўлади? Мен сизни ҳукмдор «маъсум» бўлади деган «назария»ни инкор қилади деб биламан. Дарвоқе, сиз китобларингизда тез-тез такрорлайдиган демократик режимлар ҳам одамларга қонунлар, фармонлар ва расмий қарорларни бузиш ҳуқуқини ҳамда ҳукмдор қонунни бузган ёки зулм қилган пайтда уларга қарши исён қилиш ва қурол кўтариш ҳуқуқини бермайди».

Ҳизб Халифаликни Умавийлар даврида бошланган мустабид шаклда қайта тикламоқчи эмас. Балки у Халифаликни Ислом белгиллаган тарзда қайта тикламоқчи. Росулulloҳ ﷺнинг Мадинадаги ҳаёти Халифаликнинг амалий татбиқи бўлди, у кишидан сўнг рошид халифалар уни маҳкам ушлашди. Халифалик тарихий ҳодиса эмас, балки шаръий далиллар далолат қилган шаръий ҳукмдир.

Аҳмад Қасоснинг таъкидлашича, Ҳизб мустабидликнинг воқелигидан, ҳоқимиятни босиб олиш Умавийлар даврининг бошида юз берганидан ва унинг улкан хатаридан хабардор. У бундай деди: «Иккимиз келиша олмаётган нарса бошқарув низомининг тафсилотларида эмас (гарчи бу келишмовчиликлар мавжуд бўлса-да), балки ҳақиқий келишмовчилик фикрлаш услубидадир. Чунки Ҳизб шаръий далилларни улардан бошқарув низомига алоқадор аҳкомларни ҳамда ҳаёт, жамият ва давлат тузумларини олиш учун ўрганади.

Исломни ёмон татбиқ қилишдан ташқари, Ислом давлати ва Умнатнинг таназзулга юз тутишининг яна бир омили ҳоқимиятни босиб олиш ва истибдод эди. Лекин Умнатдаги тубанлик омиллари жуда кенгдирки, уни бу жиҳатда умумлаштириб бўлмайди. Чунки халқлар ўзлигини ўзининг сақофати, фикрлари ва ўзи татбиқ қилаётган низомларидан олади. Агар улар ушбу таркибий қисмларини ўзгартирса, ўзлигини ўзгартиради. Сиз Умнатнинг уйғониш омилларини Ғарбдан излар экансиз, шифо сифатида даво эмас, балки касаллик сўраган бўласиз. Чунки демократия динни ҳаётдан ажратиш ақидаси устига қурилган Ғарб жамиятини уйғотиш омилларидан бўлган. У Ғарбнинг уйғонишига

омил бўлгани Исломиё Умматнинг уйғонишига ҳам омил бўлади дегани эмас. Чунки демократия исломий ақидага зид, бу ақидага ҳаётдаги фикрлар асосланади ва ундан ўзига хос тузумлар келиб чиқади. Шундай экан, сиз муайян ўзликка эга бўлган жамиятнинг уйғонишига ўз ҳиссасини қўшган низомни ушбу жамиятдан бошқа ва ўзига хос ўзлигига эга бўлган жамиятга кўчирар экансиз, бир кишидан қон олиб, уни қон группаси тўғри келмайдиган бошқа кишига қўйиш билан унга куч ва саломатлик бериш ўрнига уни ўлдириб қўйган кишига ўхшаб қоласиз». Иқтибос тугади.

Бешинчи: Халифалик ҳарбий инқилоб орқали тикланмайди:

Ҳизб ут-Таҳрир ҳокимият Умматники ва у Имомни ўз хоҳиш ва ихтиёри билан сайлаши зарур деб ишонгани учун мажбуран босиб олган ёки ҳарбий инқилоб билан келган ҳукуматни шаръий деб тан олмади. Ҳизб бундай дейди: «Агар зўравон чиқиб, бошқарувни куч билан эгаллаб олса ва ўзини мусулмонларнинг халифасиман деб эълон қилса, бу билан халифа бўлиб қолмайди. Чунки унга мусулмонлар томонидан Халифалик тайин қилинмади. Агар у мусулмонларни мажбурлаб байъат олган бўлса ҳам халифа бўлмайди. Чунки Халифалик мажбурлаш йўли билан тайин қилинмайди. Халифалик розилик ва ихтиёрийлик битимидир. У мажбурлаш ва зўрлаш орқали тугалланмайди. Халифалик фақат розилик ва ихтиёр билан тугалланади. Лекин ушбу зўравон унга байъат берилса мусулмонларнинг манфаатига бўлади деб ҳамда шаръий аҳкомлар тикланади деб одамларни қаноатлантира олса, одамлар қаноатланиб, рози бўлишса, сўнг розилик ва ихтиёр билан унга байъат қилишса, ўша пайтдан бошлаб у халифага айланади. Гарчи бошланишда ҳокимиятни зўрлаш ва куч билан олган бўлса-да. Бу ерда байъат ҳосил бўлиши ҳамда у розилик ва ихтиёр билан амалга ошиши шартдир. Байъат олган киши ҳоким бўладими ёки султон бўладими бунинг фарқи йўқ».

Ҳизб ут-Таҳрир қўшимча қилар экан, бундай дейди: «Мусулмонларнинг Халифалик давлати ва халифаси бўлмаса ҳамда бугунгидек уларга кўфр низомлари ва аҳкомлари татбиқ қилинса, шунда мусулмонлар ёки улардан бир жамоа ёки куч ва ҳимоя эгалари мусулмонларнинг битта юртида ёки бир нечтасида ҳокимиятни қўлга олиб, исломий ҳаётни қайта бошлаш ва Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритишни хоҳлаб кўфр низомлари ва аҳкомлари билан ҳукм юритаётган ҳукмдорни афдариб юборса, ҳокимиятни эгаллаган кишилар мусулмонлар

ичидан бошқарув ва ҳоқимиятга лойиқ ҳамда халифанинг инъиқод шартларига эга кишини Халифаликка номзодини қўйиши, ушбу юртдаги аҳли ҳал вал ақд йиғилиб одамлардан ўша номзоди қўйилган шахсга байъат қилишларини талаб қилишлари лозим. Шунингдек, аҳли ҳал вал ақд Аллоҳнинг китоби ва Росулининг суннатига розилик ва ихтиёр билан унга байъат бериши шарт. Шунда у мана шу байъат билан халифага айланади. Сўнгра шу юртдаги муслмонлар унга итоат байъатини берадилар. Шунда халифа зудлик билан Исломни татбиқ қилади. Шу орқали Исломий Халифалик ҳаётга қайтади ҳамда Ислом аҳкомлари ва низомлари борлиққа қайтади. Шунингдек, ушбу юрт Ислом диёрига айланади».

Дарҳақиқат, Ҳизб ҳоқимиятни куч билан босиб олишни қатъиян рад этади. Ҳизб бундай дейди: «Халифалик бошқа битимлар каби розилик ва ихтиёрлилик битимидир. У икки битим тузувчи ўртасида бўлади, бири Уммат, иккинчиси ҳоқим ёки халифадир. У бошқарув борасидаги битим бўлиб, икки битим тузувчининг бири бўлмаса, битим бекор бўлади ва бошқа ботил битимлар каби ботил бўлади. Бундай ҳолатда ҳукмдор ҳоқимиятни босиб олган бўлади ва унга ҳоқимиятни босиб олганга қилинадиган муомала қилинади».

Ҳизб ут-Таҳрир муслмонларнинг байъати ва ихтиёрисиз ҳоқимиятни эгаллаб олган ва Ислом билан ҳукм юритган зўравон ҳақида унга қарши чиқиш вожибми? – деган саволни ўртага ташлади. Сўнг золим ҳукмдорга итоат ва сабр қилишга васият қилган айрим уламоларнинг фикрларини келтирди. Лекин у ўша фикрларни ўрганар экан, бир неча масалаларни бирлаштирди. Масалан золим ҳоқим, зўравон имом ва зўравон султон ҳақида ўрганар экан, уларни битта масала яъни султонга қарши қилич кўтариш масаласи эканини кўрди. Шунингдек, бу борада уламолар уларга итоат қилиш вожиб дегани ва гарчи зулм қилсаларда, ҳукмдорга итоат қилиш вожиблиги ҳақидаги ҳадисларни далил қилишганини кўрди. Ҳузайфа ибн Ямоннинг:

«تَسْمَعُ وَتَطِيعُ لِلْأَمِيرِ، وَإِنْ ضَرَبَ ظَهْرَكَ، وَأَخَذَ مَالَكَ، فَاسْمَعُ وَأَطِعْ»

«Амирга итоат қиласан ва қулоқ тутасан. Агар орқангга калтак еб, молинг тортиб олинса ҳам қулоқ сол ва итоат қил», деган ҳадиси шулар жумласидан эди. (Муслим ривояти). Бунга муқобил ўлароқ айрим уламолар маъруфга буюриш ва мункардан қайтариш

ҳақида китоб ва суннатдан далил келтиришгани ва бу ҳадислар омни хословчидир деб айтишганини кўрди. Бошқача айтганда, «бу ҳадислар омни хослайди ва ҳукмдордан бошқа томонга буради, ҳукмдор бундан мустасно» дейишганини кўрди. Шунингдек уларни: «Султон зўравон ҳукмдордан бошқа, чунки зўравон ҳукмдор ҳақидаги далиллар ом, ҳукмдорга итоат қилиш ҳақидаги далиллар эса хос, чунки булар ушбу омни хослайди, бошқача айтганда булар омдан мустасно. Зўравон ҳукмдор ҳақидаги ҳукми султонга татбиқ қилиб бўлмайди» дейишганини кўрди. Яна уларни: Росулulloҳ ﷺ Ҳузайфа ибн Ямоннинг

«يَكُونُ بَعْدِي أُمَّةٌ لَا يَهْتَدُونَ بِهَدَايَ، وَلَا يَسْتَنُونَ بِسُنَّتِي، وَسَيَقُومُ فِيهِمْ رِجَالٌ قُلُوبُهُمْ قُلُوبُ الشَّيَاطِينِ فِي جُثْمَانِ إِنْسٍ. قَالَ: قُلْتُ: كَيْفَ أَصْنَعُ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنْ أَدْرَكْتُ ذَلِكَ؟ قَالَ: تَسْمَعُ وَتُطِيعُ لِلْأَمِيرِ، وَإِنْ ضَرَبَ ظَهْرَكَ، وَأَخَذَ مَالَكَ، فَاسْمَعْ وَأَطِعْ»

«Мендан кейин менинг ҳидоятимга юрмайдиган ва суннатимни ушламайдиган имомлар бўлади. Уларнинг ичида шундай кишилар бўладики, қалби шайтоннинг қалби, жисми эса, инсон бўлади. Шунда мен: Эй Аллоҳнинг Росули ўша кунга етсам нима қилишга буюрасиз деган эдим, **Росулulloҳ ﷺ Амирга қулоқ тутиб итоат қиласан, орқанга калтак еб, молинг тортиб олинса ҳам қулоқ сол ва итоат қил**», деган ҳадисини далил қилишганини кўрди. Демак, бу зўравонлик ҳақидаги умумий далилларни хословчи эканини ва бундан ҳукмдор мустасно эканини ҳамда унга зўравон ҳукми тушмаслигини билди. Бунинг далили эса Шавканийнинг айтган ушбу ривоятидир: «Ибн Мунзир Шофеийдан шундай ривоят қилади: Кимни моли, маҳрами ва жонига тажовуз қилинса, унга қарши уришиши вожиб бўлади. Бундай ҳолатда ундан на қасос олинади, на хун тўлайди ва на кафорат. Ибн Мунзир айтади: Илм аҳлининг фикри шуки, мана шу айтилганларга зулм йўли билан тажовуз қилинса киши ўзини ҳимоя қилади. Бироқ муҳаддисларнинг ижмои бўйича, зулмига сабр қилишга ва қарши чиқмасликка буюрувчи ҳадисларда келган султон бундан мустаснодир». Иқтибос тугади. Демак, бу масала зўравонлик ҳақида бўлар экан, ҳукмдорни бундан истисно қилишганига далилдир.

Гарчи Ҳизб ут-Таҳрир ушбу ҳадисларни эътироф этган ва улар китоб ва суннатда келган умумни хослашига ишонган бўлса-да, лекин у ҳукмдорнинг ҳукуматни эгаллаб турган пайтида қилган

зулми билан бошланишдаёқ ҳоқимиятни зўравонлик билан босиб олиши ўртасини фарқлай олди. У бундай дейди: «Ҳукмдорни истисно қиладиган хос далиллар шаръан ҳоқим бўлиб турган пайтдаги ҳолатига тегишлидир. Аммо ҳоқимиятни босиб олувчи шахс жинойатга қўл урган пайт ҳукмдор ҳисобланмайди, балки оддий одам бўлади. Ҳоқимиятни эгаллаб олгандан кейин эса ҳукмдорга айланади, шунинг учун ҳадислар унга тушмайди. Чунки у жинойатни ҳукмдор бўлишидан олдин амалга оширди. Шунинг учун унга золим имомларга сабр қилиш вожиблиги ҳақидаги ҳадислар тўғри келмайди. Балки унга куч билан босиб олган зўравон ҳукми тушади ва истисно ҳукмига тўғри келмайди. Шунинг учун у ҳақда Умматдан ҳоқимиятни тортиб олган зўравон деган ҳукм жорий бўлади ва бундан бошқа сўз сиғмайди».

Ҳизб ут-Таҳрир зўравоннинг тортиб олган нарсасини эгасига қайтариш ва унга қарши қаттиқ жазо қўллаш вожиблигини ҳамда уни тортиб олишига тўсқинлик қилиш ва гарчи ўлимига олиб келса ҳам у билан қилич яланғочлаб жанг қилиш жоизлигини қабул қилди. Ҳизб бунга Соиб ибн Язид отасидан, у эса Росулulloҳ ﷺ дан ривоят қилган ҳадисни далил қилди. Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«لَا يَأْخُذَنَّ أَحَدُكُمْ مَتَاعَ صَاحِبِهِ جَادًّا وَلَا لِأَعْبَاءٍ، وَإِذَا وَجَدَ أَحَدُكُمْ عَصَا صَاحِبِهِ فَلْيُرِدْهَا

عَلَيْهِ»

«Сизлардан бирортангиз ўз биродарининг нарсасини зўравонлик билан тортиб олмасин, ким биродарининг ҳассасини олган бўлса, қайтариб берсин». Аҳмад ривояти. Ҳасан Сомрадан ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ бундай дейдилар:

«عَلَى الْيَدِ مَا أَخَذْتَ حَتَّى تُؤَدِّيَهُ»

«Қўл (зўравонлик) билан тортиб олган нарсани қайтариб берсин». Ибн Можжа ривояти. Аммо зўравонни тортиб олган нарсасини қайтариши ва зўравонликдан тўсиш учун унга қарши қилич билан жанг қилиш далилига келсак, имом Муслим ва Аҳмадлар ривоят қилган ҳадисда Абу Ҳурайра бундай дейди: «Бир киши Росулulloҳ ﷺ олдиларига келиб:

«يَا رَسُولَ اللَّهِ أَرَأَيْتَ إِنْ عُدِيَّ عَلَى مَالِي، قَالَ: فَانْشُدْ بِاللَّهِ، قَالَ فَإِنْ أَبَوْا عَلَيَّ، قَالَ: فَانْشُدْ

بِاللَّهِ، قَالَ فَإِنْ أَبَوْا عَلَيَّ؟ قَالَ: فَانْشُدْ بِاللَّهِ. قَالَ فَإِنْ أَبَوْا عَلَيَّ، قَالَ: فَاقَاتِلْ، فَإِنْ قُتِلْتَ فَفِي

الْجَنَّةِ، وَإِنْ قَتَلْتَ فَفِي النَّارِ»

«Эй Аллоҳнинг Росули бир киши менинг молимни тортиб олиш учун келса нима қилай деди. Шунда Росулulloҳ ﷺ: Унга молингни берма дедилар. У: Агар мен билан уришсачи? – деган эди, У киши: Сен ҳам уриш дедилар. Шунда у: у мени ўлдирса нима бўлади деган эди, Росулulloҳ ﷺ: Унда сен шаҳид бўласан, дедилар. Шунда у: Агар мен уни ўлдирсамчи деган эди, Росулulloҳ ﷺ: У дўзахга киради дедилар». Имом Муслим ривояти. Бошқа ривоятда: «Эй Аллоҳнинг Росули бир киши менга тажовуз қилса, нима қилай деди. Росулulloҳ ﷺ: Молингни олмасдан кетишини айт дедилар. Шунда у: агар бош тортсачи деган эди, Росулulloҳ ﷺ: Молингни олмасдан кетишини айт деди. У яна: бош тортсачи деган эди, Росулulloҳ ﷺ: Молингни олмасдан кетишини айт дедилар. Шунда у бош тортсачи деган эди, Росулulloҳ ﷺ:

«فَإِنْ قُتِلْتَ فِي الْجَنَّةِ، وَإِنْ قَتَلْتَ فِي النَّارِ»

«Агар ўлдирилсанг жаннатдасан, агар сен уни ўлдирсанг, у дўзахдадир дедилар». Насойй ривояти. Ушбу ҳадисда ҳар қандай зўравонга қарши уришиш ҳақида қатъий далил бор. Чунки унда «Агар ўлдирилсанг жаннатдасан, агар сен уни ўлдирсанг у дўзахдадир» деяпти. Бу ерда молни куч билан тортиб олган зўравонга қарши жанг қилиш вожиблигидан ман қилувчи қарина бор, у ҳам мол эгаси ўз молини зўравонга бериши жоизлигидир. Лекин шундай бўлса-да, саҳобаларнинг Язидга қарши жанг қилганлик қаринаси мавжуд бўлгани учун ҳоқимиятни куч билан босиб олган зўравонга қарши жанг қилиш вожиб бўлади.

Ҳизб бундай дейди: «Бу ҳоқимиятни куч билан босиб олган зўравоннинг ҳукми ва унинг далиллари дидир. Демак, кимки Умматнинг розилигисиз ҳоқимиятни босиб олса, у зўравон султондир. Агар Уммат ўз розилиги ва ихтиёри билан унга байъат қилмаса, ундан ҳоқимиятни тортиб олиб, Умматга қайтариб берилмагунича унга қарши қилич кўтариб жанг қилинади».

Ҳизб Ислонда биринчи бор ҳоқимиятни куч билан эгаллаш жинойтига нисбатан саҳобаларнинг тутган позициясини келтирди. У ҳам бўлса, Муовиянинг ўғли Язидга Халифаликни мерос қилиб қолдириши ва Язиднинг ҳоқимиятни қўлга киритиши ва куч билан байъат олиши жинойти эди... Ўшанда кибор саҳобалар зўравон султонга қарши қўзғалгандилар. Унга сукут қилишмади ва унга қарши чиқишди... Бунга байъатга рози бўлмаслик билангина

кифояланмаган Абдуллоҳ ибн Зубайр, Ҳусайн ибн Али ва Мадина аҳли қилган ишларни мисол қилса бўлади.

Ҳизб саҳобаларнинг Муовияга нисбатан тутган позициясига эътибор қаратди. Зеро, улар Муовия ҳоқимиятни босиб олгани учун унга қарши жанг қилишмади. Балки унга рози бўлмаслик билан кифояланишди. Чунки Муовия ҳоқим эди ва Язидга байъат қилдирган пайтда ҳам ҳоқимлик мансабида эди. Бошқача айтганда, ушбу жиноятни амалга оширган пайтда ҳоқим эди. Ҳоқим эса унга итоат қилиш ҳақида келган ҳадисларга кўра умумий далиллардан мустаснодир. Худди Ҳузайфанинг:

«تَسْمَعُ وَتَطِيعُ لِلْأَمِيرِ، وَإِنْ ضُرِبَ ظَهْرُكَ، وَأُخِذَ مَالُكَ، فَاسْمَعُ وَأَطِعْ»

«Қулоқ соласан ва итоат қиласан. Орқанга калтак еб, молинг тортиб олинса ҳам қулоқ сол ва итоат қил» деган ҳадиси каби. Шаръий ҳукмдорга қарши ёлғиз ҳолатда, яъни ундан очиқ куфр зоҳир бўлсагина жанг қилинади. Чунки мана шундай ҳолат борасида нусус келган, ундан бошқа пайтда имомларнинг зулмига сабр қилиш ҳақида ҳадислар ворид бўлгани учун уруш қилиш жоиз эмас. Шунинг учун саҳобалар унга қарши уришишмади, балки сўз орқали қайтариш билан кифояланишди. Лекин шу мункар ишни ҳукмдордан бошқаси қилса, унга қилич ёки бошқа қурол билан уришилади.

Олтинчи: Уммат кенгашини сайлаш

Бу аҳли ҳал вал ақднинг кенгроқ шакли бўлиб, Ҳизб ут-Таҳрир «улар тайинлаш йўли билан эмас, балки сайлов йўли билан келиши керак. Шунингдек, уларга исломий тарихда бўлганидан ҳам кўра каттароқ роль берилиш керак. Бошқача айтганда, нафақат маслаҳат ролини бериш, балки бирор нарсани мажбурлаш ҳуқуқини ҳам бериш керак, деб билади. Ҳизб масалаларни бир-биридан ажратган. Яъни Уммат кенгашига баъзи ҳолатларда ўз фикрини мажбуран ўтказиш ҳуқуқини берган бўлса, халифага ҳам муайян ишларда ўз фикрини мажбуран ўтказиш ҳуқуқини берган.

Ҳизб ўзи табанний қилган дастур лойиҳасида Уммат кенгашини сайлаш борасида бундай дейди: «Уммат кенгаши аъзолари одамлар томонидан сайланади. Фуқароларнинг барчаси модомики балоғатга етган ва ақл юрита олар экан, Уммат кенгашига аъзо бўлиш ҳуқуқига эга. Фуқаронинг эркак ёки аёл ҳамда мусулмон ёки ғайримусулмон бўлишининг фарқи йўқ.

Бироқ ғайримусулмонда фақат ҳукмдорнинг зулми ва Ислоннинг ёмон татбиқи борасидагина шикоят қилиш ҳуқуқи бор».

Ҳизб Уммат кенгашидан олинган фикрнинг мажбурийлиги ҳақида бундай дейди: «Шўро ва машвара бу – мутлақ фикрини билиш, деганидир ва бу нарса қонунчилик, таърифлаш ва ҳақиқатларни кашф қилиш каби амалий ишларда, шунингдек илмий ва техникага оид ишларда мажбурий эмас. Агар халифа амалий ишлар ҳамда ўрганиш ва назар юритишга муҳтож бўлмайдиган ишларда маслаҳат сўраса Уммат кенгашининг фикри мажбурий бўлади. Халифа маслаҳат қилган пайтда шўронинг фикрини олиш мажбурий бўлган масалаларда тўғри ёки нотўғри бўлишидан қатъий назар кўпчиликнинг фикри олинади. Лекин бундан бошқа фақатгина маслаҳат бобига кирган масалаларда эса, кўпчилик ёки озчилик бўлишидан қатъий назар, тўғри фикр олинади».

Ҳизбнинг таъкидлашича, «Уммат кенгаши фикр борасида мусулмонларнинг вакили бўлган шахслардан таркиб топади. Халифа эса ишлар борасида улардан маслаҳат олади. Кенгаш аъзолари ҳукмдорларни муҳосаба қилишда ҳам Уммат вакилидирлар... Маслаҳат барча мусулмонларнинг халифа устидаги ҳуқуқидир. Демак, халифа масалаларда улардан маслаҳат қилиш учун мусулмонларга мурожаат қилиши керак... Мусулмонлар халифага маслаҳат бериш ҳуқуқига эга бўлгани каби ҳукмдорларни ишлари ва тасарруфотлари борасида муҳосаба қилишлари вожибдир. Чунки Аллоҳ Таоло мусулмонларга ҳукмдорларни муҳосаба қилишни фарз қилган. Шунингдек, агар ҳукмдорлар фуқаролар ҳуқуқларини поймол қилса ёки фуқароларга нисбатан бўлган вожибларини бажармаса ёки уларнинг қандайдир ишларига эътиборсиз қарашса ёки Ислон аҳкомларига қарши чиқишса ёки Аллоҳ юбормаган нарса билан ҳукм юритишса, уларни муҳосаба қилишлари ва уларни ўзгартиришларини қатъий буюрган».

Шунга биноан Ҳизб ут-Таҳрир Уммат кенгашининг қуйидаги салоҳиятларини кўрсатиб берди:

а) Халифа ундан маслаҳат сўраши ҳамда чуқур фикрий изланиш ва назар юритишга муҳтож бўлмайдиган ва ички сиёсатда ишларни назорат қилишга алоқадор амалларда Уммат кенгаши халифага маслаҳат бериши...

б) Давлатда содир бўлаётган барча ишларда халифани муҳосаба қилиш...

в) Муовин, волий ва омилларга рози бўлмаслик. Бунда кенгашнинг аксарияти фикрини олиш мажбурийдир. Бундай ҳолатда халифа уларни зудлик билан ишдан олади...

г) Халифани сайлаш. Бунда Уммат кенгаши маҳкаматул мазолим инъиқод шартларига эга деб қарор чиқарган кишилардан Халифаликка номзодларни кўрсатади. 33-моддада бундай дейилади: «Халифани тайинлаш йўли қуйидагича:

а) Уммат кенгашидаги мусулмон аъзолар номзодларни белгилайди ва уларнинг исмлари эълон қилинади. Сўнгра мусулмонлардан уларнинг бирини сайлашлари талаб қилинади.

б) Сайлов натижалари эълон қилинади ва мусулмонлар ким кўп овоз олганини биладилар».

Еттинчи: муҳосаба қилиш учун партиялар тузиш ҳуқуқи

Ислолда партиялар исломий ақида ва шаръий аҳкомлар асосида барпо бўлади. Ҳизб ут-Таҳрир Аллоҳ Таолонинг

﴿وَلَتَكُنَّ مِنْكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَأُولَٰئِكَ

هُمُ الْمُفْلِحُونَ﴾

«Ораларингиздан яхшиликка (Исломга) даъват қилиб, маъруфга буюрадиган ва мункардан қайтарадиган бир жамоат бўлсин. Ана ўшалар нажот топгувчилардир» [Оли Имрон 104]

оятига кўра ташкил топган. Ҳизб «Мусулмонларнинг ҳукмдорларни муҳосаба қилиш ёки Уммат орқали ҳоқимиятга етиш учун ҳеч қандай рухсат талаб қилинмайдиган сиёсий партиялар тузиш ҳуқуқи бор», деб тасдиқлайди. Бир шарт биланки, бу партияларнинг асоси исломий ақида ва шаръий аҳкомлар бўлсин.

Ҳизб айтади: «Ҳукмдор тақводан оғишга мойил бўлгани учун уни ижрога мажбурлайдиган, ҳукуматдан четлаштирадиган ва унинг ўрнига Исломни татбиқ этиб, даъватини олиб чиқадиган бошқа ҳукмдорни қўядиган моддий восита керак бўлади. Ўша амалий восита Умматдир. Шунинг учун Исломий Уммат Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол деб билувчи, Аллоҳга берган аҳдини бузган, Росулulloҳ ﷺнинг суннатига хилоф иш тутган ва Аллоҳнинг бандаларига гуноҳ ва тажовуз билан муомала қилаётган золим ҳукмдорни кўрса, уни сўз ва амал билан ўзгартириши ёки алмаштириши вожибдир».

Уммат Ислом асосидаги тўғри уюшмага муҳтож. Бу уюшма ғояси, фикри ва тариқати жиҳатидан Исломга асосланадиган мабдаий Ҳизбдир. Тариқат эса уч босқич бўлади: (Имонли, онгли ва холис уюшма ташкил қилиш. Иккинчи, фикрий ва сиёсий кураш олиб бориш ва қувват аҳлидан ёрдам сўраш. Учинчи, ҳоқимиятни эгаллаш ва Халифалик давлатини тиклаш). Ҳизб ташкил топиб, Умматга раҳбарлик қилгач, давлат устидан назоратчи кучга айланди. Чунки у Умматнинг вакилидир. Ҳизб Умматни бошқаради ва ўз вазифасини қилишга чақиради. У давлатни ҳисоб-китоб қилади, уни сўз ва амал орқали ўзгартиради. Агар давлат Исломга зид иш қилишидан қўрқилса, уни ўзгартиради.

Умматнинг давлатга нисбатан етакчилик мавқеини ўз зиммасига оладиган партияси бўлмаса, давлатни муҳосаба қилиш ёки жавобгарликка тортиш қийин. Чунки унинг олдида кўплаб қийинчиликлар мавжуд ва уларни фақат алоҳида шахсларда эмас балки уюшмада гавдаланган раҳбариятнинг мавжудлиги билан бартараф этиш мумкин. Шунинг учун Уммат орасида сиёсий мабдаий Ҳизб ташкил этилиши лозим. Демак, Исломнинг татбиқи ҳамда унинг даъватини ёйиш ва чиройли татбиқ қилишдаги ҳақиқий гарантия исломий сиёсий Ҳизбдир».

Саккизинчи: Ислом давлати яхлитлиги:

Бу борада Ҳизб ут-Таҳрир бундай дейди: «Ислом давлати битта давлат ва бир бутун бўлиб, ҳукмронлик қилишда давом этди. У на қисмларга ва на давлатларга бўлинди. Аксинча, бошқарув масалаларида Исломнинг ўзига хос тушунчасини амалга ошириш истаги билан ҳоқимиятга эришишга уринишлар бўлди. Сўнгра улар тугади ва Халифалик ва Ислом давлати яхлитлигича қолди». Ҳизб ўз сўзида давом этиб, бундай деди: «Маълумки, Исломни тушунишнинг хилма-хиллиги ҳамда бошқарув низомида халифанинг муайян ҳукмларни табанний қилмагани баъзи халифа ва волийларни бошқарувни давлат бирлиги ва қудратига салбий таъсир қиладиган йўналишга буришга имкон берган. Бироқ, бу нарса давлатнинг вужудига таъсир қилмаган. Волийлар тўла бошқаришга эга бўлгани ва халифа томонидан уларга кенг ваколатлар берилиши уларда ҳукмронлик туйғуларининг ҳаракатланишига сабаб бўлди. Натижада улар вилоятда мустақилга ўхшаб қолдилар ҳамда халифага байъат қилиш, минбардан туриб, унга дуо қилиш, унинг номидан пул чиқариш ва шу каби шаклий ишлар билан чекланишиб қолди. Бошқарув

масаласи уларнинг қўлида қолгани учун Ҳамадонийлар, Салжүқийлар кабилар ва бошқа вилоятлар ярим мустақил давлатларга айланди. Бироқ волийларнинг тўла бошқаришга эга бўлгани давлатнинг яхлитлигига таъсир қилмади... Чунки волийнинг қудрати қанча кучли бўлмасин давлатни тан олмасликка журъат қила олмади. Ислом давлати эса бирор кун ҳам, ҳатто волийлар мустақил бўлганда ҳам, давлатлар иттифоқи бўлмаган. Балки у ягона давлат ва ягона халифа бўлган. Унда халифа марказда ҳам вилоятларда ҳам, қишлоқ ва шаҳарларда ҳам салоҳият соҳиби бўлган. □

Мағриб мамлакатлари устида Британия-Америка кураши:

Иккинчи жаҳон уруши ва тўрт йиллик немис истилоси Франциянинг мустамлакачилик сиёсатиға ҳалокатли оқибатларни олиб келганидан кейин, шунингдек, Франция қаршилиқ кучларининг қарори устидан Британия сиёсий назорати туфайли Франциянинг Жазоир, Тунис ва Марокашдаги таъсириға путур етди. Иккинчи жаҳон уруши ўз ниҳоясига етар экан, Британия ушбу мамлакатлар устидан ўз нуфузини ўрнатди. Бунга Франциянинг сиёсий заифлиги ва хорлиги ёрдам берди. Шунингдек, бунга Америка узлатдан янги халқаро майдонга чиққанидан кейинги сиёсатининг чалкашлиги ва муваффақиятсизлиги ёрдам берди. Йигирманчи асрнинг ярмигача ҳолат шундай давом этди. Лекин 1950 йилдан кейин вазият тубдан ўзгарди ва Америка-Британия мустамлакачилик кураши бошланди. Бу кураш маҳаллий урушлар, тўнтаришлар, фитналар ва манёврлар шаклида намоён бўлди. Кураш баъзида авж олса, баъзида сўнди ва охири Америка ташаббус тизгинини ўз қўлиға олди. Натижада Британия Америкаға очикча қарши чиқа олмагани ва заифлиги туфайли чекинди. Британия ўз лойиҳаларида у билан иштирок этиш ва имкони борица халқаро сиёсатда у билан рақобатлашиш орқали ўз мустамлакаларини сақлаб қолишни хоҳларди. Исломий юртларнинг ғарби Америка-Британия рақобати ва тўқнашувидан холи эмас эди.

Мағриб мамлакатларига келсак, 1943 йили Марокашнинг Касабланка шаҳри Анфа меҳмонхонасида ўтказилган конференция Американинг Мағриб мамлакатларига кириб боришидаги туйнук бўлди. Бунда Америка президенти Рузвелтнинг роли катта бўлди. Чунки у 1941 йил 18 январда иттифоқчилар томонидан имзоланган Атлантика хартияси қоидаларини амалға оширишға ҳамда халқларнинг мустақиллиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ҳимоя қилишға чақирди. Кейинчалик мустақиллик ғояси Американинг Европа мустамлакаларига кириб боришидаги сиёсий услубига айланди. Америка Марокашнинг стратегик географик жойлашувига қизиққан эди. АҚШ президентининг қирол Муҳаммад бешинчи билан (Анфа) конференцияси вақтидаги учрашуви, сўнгра кечки зиёфатдаги икки томонлама учрашув, яъни

1943 йил 22 январда бўлиб ўтган икки томонлама учрашув сарой деворларига кириб боришнинг бошланиши эди. Шунингдек, унинг аҳолиси билан бўладиган махсус муносабатлар ипларини тўқиш эди. Америка 1950 йили Марокашдаги ҳарбий мавжудлигини денгиз ва ҳаво базалари (Қунайтарадаги авиабаза, Сала яқинидаги Букнадел базаси ва Бенджарир базаси) орқали мустаҳкамлади. Кейин Францияга қарши қўзғолончиларнинг чўнтаги ҳарбий ёрдам орқали тўлдирилди ва ҳарбий базалар орқали улар қурол-аслаҳа билан таъминланди. Бу ҳақда Касабланка шаҳри қўзғолончилари томонидан ҳам тасдиқланган. Сўнг Америка малайи Абдунносир ва қирол Муҳаммад бешинчи ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланди. Зеро, Марокаш шимолидаги Нозур шаҳрида Марокаш озодлик армияси ва Жазоир озодлик армияси учун махсус марказ ташкил этиш орқали тўлиқ мувофиқлаштириш қайд этилди. Кейин 1955 йилда Нозур портига «Дина» кемаси орқали Миср қуроллари келтирилди ва сарой билан алоқалар мустаҳкамланди. Сўнгра 1957 йил 23 ноябрда қирол Муҳаммад бешинчи АҚШга ташриф буюрди ва шу билан Марокаш Америка таъсирига боғланди.

Бунинг натижада Марокаш қироли Муҳаммад бешинчи билан Америка ҳарбий самолётларини Марокашга топширишга келишиб олинди. Марокашлик учувчилар полklarини ўқитиш учун АҚШга юборилди. Бу ҳарбий ёрдамлардан, қурол сотиб олиш учун кредитлар олинадиган бўлди. Табиийки, буни Америка олдида сиёсий мажбурият ва шартлари бўлади. Кейин ташрифдан сўнг, Америка ўзининг фахрий элчиси Чарльз Йостни юборди. У АҚШ давлат департаментининг энг таниқли ходимларидан бири бўлиб, Америка элчихонаси ва унинг Сурия ва Мисрдаги манфаатлари ва ходимларининг асосчиси бўлган. У араб давлатлари масалалари бўйича эксперт ҳисобланган. Элчи қилиб айнан унинг танлангани ва Марокашга кўчирилиши Американинг нуфузи Мағриб ўлкаларига кириб борганига ва мана шундай даражадаги бир элчининг юборилиши у ердаги нуфузига алоҳида эътибор берилганига далолат қилади. Чарльз Йостнинг 1958 йилда Марокашга келишининг ўзи ечимнинг бир қисми бўлган ва бу Америка давлат ходимлар уюшмаси тавсифномасида ҳам шундай ёзилган. Бу ерда ечим ўрта ер денгизининг ғарбий дарвозасини назорат қилишдир. У элчилиги даврида (1958-1961 йил) тезда сарой аҳли билан дўстлашиб олди; ҳатто Америка дипломатик

корпусининг қадимги ходимлари ундан иқтибос келтирган ҳолда, «Қирол Муҳаммад бешинчи у билан расмиятчиликлардан узоқроқда ўтириб, чой ичишга таклиф қилар, у билан мамлакатнинг масалалари ва сиёсатини муҳокама қилар эди», деб айтишарди. Бундай элчини юборишдан мақсад, Америка стратегиясини амалга оширишда Марокашни ҳарбий келишувлар ва ёрдам сиёсати орқали Ғарбий Ўрта ер денгизида Америка таъсирининг марказий нуқтасига айлантириш эди. Шундай қилиб, 1960 йилда Марокаш ҳарбий ҳаво кучлари Америка билан боғланди. Унда Марокаш ҳарбий ҳаво кучлари Америка қирувчи самолётлари ва денгиз ҳаво кучлари базаси билан жиҳозланди.

Сўнг Америка томонидан мустамлакачилик усули сифатида қабул қилинган ва 1959 йилдан бошлаб Американинг Марокашдаги элчиси томонидан бошқарилган ёрдам сиёсати, масалан, Марокашни бошдан кечирган қурғоқчиликка қарши кураш учун озиқ-овқат ёрдами, сўнгра 1960 йилларда Америка аскарлари Қунайтара базасида тарқатилишини назорат қилган базага қўшни мактаб ва қишлоқларга кўрсатилган ёрдам амалга оширилди. 1960 йилда Касабланкада бўлиб ўтган йиғилишда Абдунносир ва қирол Муҳаммад бешинчи ўртасида Африка бирлиги ташкилотини ташкил этиш ташаббуси билан тўлиқ мувофиқлаштириш амалга оширилди ва Абдунносир қаҳрамон сифатида кутиб олинди. Америка таъсири қирол Муҳаммад бешинчи вафот этгунича (1961) давом этди. Шундан кейин, яъни Ҳасан иккинчи ҳокимиятга келгач, Британия Марокашни Америкадан тортиб олди. Қирол Ҳасан иккинчи ўз синглиси малика Оишани 1965 йил 22 октябрда Лондон билан ҳаво шартномасини тузиш учун Британияга жўнатгани бу ўзгаришлардан дарак берар эди. Кейин Малика Оиша муносабатларнинг нозиклиги туфайли Британиядаги элчи лавозимини эгаллади. Кейин Британия Американинг Марокашдаги ҳарбий вужудини йўқ қилиш орқали унинг таъсирини йўқотишга киришди. Қирол Ҳасан иккинчининг олтмишинчи йиллардаги сиёсати Америка базаларини Марокашдан кўчириш эди. Қирол Ҳасан иккинчи 1963 йил Америкага ташриф буюрар экан, президент Кеннеди билан мана шу кўчириш борасида музокара ўтказди.

Музокаралар қирол Ҳасан иккинчининг «... Мен икки давлат ўртасида ҳақиқий ва беғараз ҳамкорлик муносабатларига эга

бўлишни истаган эдим» деган баёнотида ифодаланган кескин муносабатларнинг моҳиятини очиб берди. 1963 йилда Жазоир билан Марокаш ўртасида чегара уруши бўлиб ўтди, унда Абдунносир Бен Беллани қўллаб-қувватлади. Зеро, мисрлик зобитлар вертолётни бузилиб, Марокашдаги Фигуик шаҳри яқинига фавқулудда қўндирилгандан сўнг қўлга олинди. 1963 йилдаги чегара уруши маҳаллий ҳарбий воситалар орқали ўтказилган Америка-Британия уруши эди. Сўнг 1965 йили Марокаш ташқи ишлар вазири Аҳмад Тоййиб Америкага ташриф буюриб, ўз ҳамкасби билан учрашди. Ташриф ва учрашувнинг бош мавзуси Америка базаларини Марокашдан кўчириш эди. Олтмишинчи йилларнинг охирида Марокаш-Америка муносабатлари боши берк кўчага кириб қолди. 1970 йиллар давомида Америка базаларини кўчириш учун уларга янги чекловлар қўйиш талаблари ортди. Бироқ америкаликлар бошқача фикрда эдилар. 1971 йил 10 июлда сарой ўз тарихидаги энг катта воқеа, биринчи давлат тўнтаришига уринишга гувоҳ бўлди. Бу уриниш муваффақиятсизликка учрагач, 1972 йил 16 августда иккинчи уриниш бўлди. Уни генерал Уфкир ҳаво кучлари орқали Қунайтарадаги Америка базасидан амалга оширди. Аммо бу ҳам муваффақиятсизликка учради. Ҳар икки уринишда ҳам Америка иштирок этди, буни Американинг Работдаги элчиси Роквелл Стюартнинг ўз мамлакати давлат котиби ва мудофаа вазири билан бўлган ёзишмалари тасдиқлайди. Бу ушбу ҳужжат 2007 йил 6 сентябрда ўз махфийлик характерини йўқотганидан кейин маълум бўлган эди. Унда Генерал Уфкир америкаликлар билан алоқага чиқиб, Американинг Марокашдаги ҳарбий мавжудлигини олқишлаганини айтган. Шунингдек, АҚШ амалдори билан суҳбатлашгани ва АҚШнинг Қунайтарадаги базаси ҳақида: «Мен шу ерда эканман, Американинг Марокаш тупроғидаги базалари ҳақида ҳеч қандай хавотирга тушмайсиз» деган сўзларидан иқтибос келтирилган. Бу саройнинг Америка базаларидан қутилиш сиёсати тамомила зид бўлган эди.

Шундай қилиб, икки муваффақиятсиз ҳаракатдан кейин, Марокаш саҳроси ва Полисаро ҳаракати масаласида Марокашга яна киришга ҳаракат қилиш имкониятини топгунига қадар Америка қаршисида Марокаш йўли ёпилди. Ўшанда БМТ Америка таъсири остида фактларни аниқлаш миссиясини тузиб, уни Марокаш Саҳрои Кабирига юборган эди. Ушбу миссия 1975 йил 9 июлда Бош ассамблеяга ўз ҳисоботини тақдим этиб, Саҳрои

Кабирни Испаниядан мустақиллигини тавсия қилди ва Полисарио ташкilotи минтақадаги ҳукмрон ҳаракат эканлигини ва унда муҳим таъсирга эга эканлигини қўшимча қилди. Шундай қилиб, Америка Полисариони намоийш қилди ва уни Саҳро халқининг вакили сифатида қўллаб-қувватлади. Бундан мақсад Америка Шимолий Африкада ва Ўрта ер денгизиде ўз манфаатлари йўлида фойдаланадиган кескинлик ўчоғини яратиш эди. Кейин Америка БМТнинг Саҳрои Кабир билан боғлиқ резолюцияларини чиқаришга ўз таъсири орқали самарали аралаша бошлади. Унинг таъсирининг оқибатлари нуфузининг ўзгаршига олиб келмаседа, бугунги кунгача давом этиб келмоқда.

1999 йил 23 июлда қирол Ҳасан иккинчи вафот этиб, ҳокимиятга Мухаммад олтинчи келди. Бу нарса Британия нуфузига таъсир қилмади. Унинг қирол оиласидан бўлган амакисининг қизи Жамана Алавийни (Бу аёл илгари ҳеч қандай дипломатик, сиёсий ва маъмурий фаолият ҳақида билмаган) Британиядаги Марокаш элчиси қилиб тайин қилиши Британиянинг Марокашга боғлиқлиги ва таъсири давом этаётганига далолат қилади.

Кейин араб баҳори бўлди ва унинг қўзғолонлари, оқибатлари Британиянинг Ливиядаги нуфузига таъсир қилди. Чунки Америка Британиянинг Триполи ва Африкадаги қўли ва ричаги бўлган Қаззофийни кесиб-йўқ қилди... Қаззофий бунга қадар Британия ва баъзи Европа давлатлари сиёсатини бажариб келар, шу билан Америка сиёсатига қарши курашар эди. Қаззофий ўлдирилгач, унинг ўрнига Африка миссиясини Марокаш қироли Мухаммад олтинчи бажарадиган бўлди. Миссия унга Британия томонидан топширилди ва Франция ҳам бунини қўллаб-қувватлади. Чунки бу икки давлат манфаатларига Америка хавфи таҳдид соларди. Шу боис миссия Америка хавфига қарши бошланди. Қирол Мухаммад олтинчи 2014 йил июн ойида Тетуан саройида Лондон молия округи мери лорд Фиона Вульф билан учрашди. Учрашувда турли молиявий институтлар билан Лондон молия округи ўртасида мувофиқлаштирувни пайдо қилиш орқали Африка молиявий сиёсатининг амалий тафсилотлари ишлаб чиқилди. Қироллик судининг баёнотида «Ушбу ташриф Африка қитъаси манфаати йўлида иқтисодий фаолиятни ривожлантириш мақсадида икки мамлакат молия муассасалари ўртасида ўзаро муносабатларни ривожлантириш ва келишув-мувофиқлаштирувни пайдо қилиш учун имкониятдир», дейилади. Лондон фонд биржаси ва

Касабланка фонд биржаси ўртасида учта келишув имзоланди. Қирол Муҳаммад олтинчининг Африка давлатларига ташрифи ва ташқи сиёсат компасини Африкага йўналтириши Британия стратегиясининг бир қисми эди.

Африка ёндашувининг мақсади Американинг Саҳрои Кабирдан қўлини кесиб ташлаш ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ёки Марокашдан ажралиб чиқмасдан якуний ечим сифатида ўз ўзини бошқариш ташаббуси бўйича Африка консенсусини сафарбар қилиш эди. Иккинчи масала эса, Африкани Британия нуфузи шу жумладан Европа таъсири билан боғлаш учун иқтисодий битим имзолаш эди. Бундан мақсад эса, Американи Африкага ўз таъсирини ўтказиш учун у ерга киришидан йўлини тўсиш эди.

Шундан сўнг Британиянинг Европа Иттифоқидан чиқиши Брекситнинг унинг сиёсатига таъсири бўлди. Британиянинг халқаро тараққиёт, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка бўйича давлат котиби вазифасини бажаруви Эндрю Моррисон 2019 йил сентябр ойида муҳим бир делегацияга раҳбар сифатида Марокашга сафар қилди. Унинг сафари Британия-Марокаш стратегик мулоқотининг иккинчи сессияси доирасида ҳамда Брекситдан кейинги муносабатларни ривожлантириш учун пойтахт Рабатда бўлиб ўтди. Марокаш ташқи ишлар вазири Носир Боурита ўшанда «Марокаш-Британия муносабатлари ҳақиқий стратегик шериклик ўрнатиш томон кетаётгани»ни тасдиқлади. Брексит сабабли ва Ливия устида бўлган Британия-Америка кураши сабабли жорий асрнинг иккинчи ўн йиллиги охирида Марокашдаги Британия ширкатларининг келишувлари, шартномалари, кашфиётлари, қидирувлари, қазиб олиш ишлари ва маркетингининг тезлиги ошди. Бу энергетика соҳаси (нефть, газ, сланец нефть)да бўладими ёки қимматбаҳо металллар (олтин, кумуш, қимматбаҳо тошлар)да бўладими ёки сунъий интеллектда бўладими ёки тоғ кон саноатида бўладими, бундан қатъий назар, бундан Марокашни Британия мустамлакасига пўлат занжирлар билан боғлаш ҳамда Америка мустамлакачилигининг минтақага шиддатли таъсирини кесиш ва Британия нуфузига таҳдид солаётган унинг нуфузини чиқариб ташлаш кўзланди.

Шундай қилиб, Британиянинг Марокашдаги нуфузи бугунги кунгача илдиз отган ва маҳкам ўрнашган ҳолда давом этмоқда.

Жазоирга келсак, 1950 йилдан кейин Америка ташаббус тизгинини қўлга олиб, заифлиги туфайли Британиянинг

чекинганидан сўнг, Жазоирга сизиб кирди. Бунга қадар Америка ўз малайи Жамол Абдунносирни Мисрга сафарбар қилди. Жамол Абдунносир 1953 йил август ойида Қоҳирада Аҳмад Бен Белла билан учрашди. Учрашувда Жазоир инқилобининг учқунини Мисрдан бошлашга келишиб олишди. Озодлик армияси идораси Қоҳирада Миср разведкаси назорати остида ташкил этилди. Ушбу идора Жазоирдан келаётган ёшларни сиёсий ва фикрий жиҳатдан шакллантиришни, сўнгра Миср лагерларида қурол билан ишлаш бўйича машғулотларни назорат қилди. 1954 йил феврал ойида Мисрдан Ливия чўли орқали Жазоирга қурол контрабандаси бошланди. Ҳазида эса жазоирлик инқилобчиларни қурол олишга ўргатиш учун лагерлар очилди. 1954 йил ноябр ойида французларга қарши қуролли ҳаракатлар бошланди. Сўнг Бен Белла 1954 йилда миллий озодлик фронтини ташкил қилди ва озодлик қўзғолонини бошлади. У Америка томонидан қўллаб-қувватланди ва сайқалланди, сўнг у инқилобнинг рамзи ва етакчисига айланди. Франция аскарлари 1962 йил 29 сентябрда Жазоирдан чиқиб кетгач, биринчи ҳукумат раислигини эгаллади. Шундан кейин 1962 йил октябр ойида Бен Белла Америкага ташриф буюриб, президент Жон Кеннеди билан учрашди. Бу ташриф Америка Жазоир устидан ўз нуфузини ўрнатганига ишора бўлди. Бен Белла 1963 йил октябр ойида Жазоирга президент бўлди.

Бироқ, Британия Жазоирдаги ҳукумат идорасига кириб борди ва Ҳасан иккинчи орқали Ужда гуруҳидан одамларни ёллади. (Француз армиясига чақирувидан қочиб, мамлакат шарқидаги Ужда шаҳрини ўзига қароргоҳ қилиб олган (1954-1962) полковник Ҳуввари Бумадян атрофида жазоирлик офицер ва сиёсатчилар гуруҳи тузилган эди). Уларнинг орасида Армия қўмондони ва мудофаа вазири Ҳуввари Бумадяндан ташқари бош штаб бошлиғи ва биринчи ҳарбий ҳудуд қўмондони Тоҳир Зубайрий ҳам бор эди. Кейин 1964 йил 14 апрелда бўлиб ўтган озодлик fronti съезидан сўнг Бумадян ва Бен Белла ўртасида Жазоирни ким бошқаради, армиями ёки партиями шу тўғрисида келишмовчилик келиб чиқди. 1965 йил 18 июн оқшомида Бен Белла Британия томонидан пиширилган тўнтариш натижасида афдарилди. Британия шу тариқа Жазоирдаги Америка нуфузини йўқ қилиб, ўрнига ўз нуфузини ўрнатди. Британиянинг Жазоирдаги нуфузи Бумадян инқилоби орқали мустаҳкамланди. Кейин президент

Шадли Бенжадид Жазоир бошқарувини ўз қўлига олганда ва президентлик заифлашган бир пайтда баъзи француз ўсимталари пайдо бўлди. Лекин унинг таъсири юзаки бўлди. 1992 йилги тўнтариш исломий Нажот fronti ҳокимиятга келишига йўл қўймаслик учун Франция томонидан уюштирилган эди. Кейин қора ўн йиллик бўлди, унда француз малайлари француз разведкаси раҳбарлигида Жазоир халқининг қонини ичишди.

Кейин вазият ёмонлашишда давом этиб, Франциянинг Жазоирдаги нуфузи беқарор аҳволда қолди. 1999 йили Франция малайлари ҳокимиятни Британияга содиқлиги билан танилган ва Ҳуввари Бумадяннинг ташқи ишлар вазири бўлган Бутефликага ўзларининг жиноятлари учун жавобгарликдан дахлсиз бўлишлари эвазига топширишди. Бутефлика Жазоир режими ҳийла-найрангларида яхши хабардор эди, чунки у ўша 1962 йилда ташкил этилган режимнинг асосчиларидан бири эди. Шундай қилиб, Бутефлика Британия нуфузига хизмат қилиб, режимни парчалашга ва қайта қуришга муваффақ бўлди. Шунингдек, исломий базани режим манфаатига буриш учун диндан фойдаланди. У «Жабҳатул инқоз» ғалаба қозониши ва сайлов базасини қўлга киритиши учун исломчиларга яқин бўлган Абдулазиз Билходимни бош вазир этиб тайинлади. Бутефлика юзаки диний ишларга эътибор берди, масалан, радио орқали азон айтиш, пойтахт Жазоирда катта масжид қурдириш, Қуръони Карим каналини очиш, таровеҳ намозини эфирга узатиш, каби. Шунингдек, вилоятларга аҳамият қаратиб, ўзи учун овоз ва тарафдорлар кўпайтириш мақсадида у ерларга катта пуллар тўкди. Кейин сарой шайхларини Жазоирдаги жамият азоб чекаётган оғир сиёсий ва иқтисодий инқирозларга қарши курашиш учун диндан фойдаланишда ишга солди. У виждонларни сотиб олди ва ҳукуматни тўлиқ назорат қилгунича сиёсий майдонни бўшатди. У аста-секин ва шов-шувсиз Француз ўсимталарини даволашга киришди. Кейин давлат аппаратидан Франция нуфузини узоқлаштириб, Британия нуфузини қайта тиклади. Бу ишлар Бутефликанинг 2006 йилда Британияга ташрифи билан якунланди. Бу Жазоир президентининг Британияга биринчи ташрифи эди. У Франциянинг минтақадаги сиёсатига қарши чиқди ва Франция президенти Саркози даврида олиб келган Ўрта ер денгизи иттифоқи лойиҳасини рад этди.

Сўнг 2019 йил 22 февралда Жазоирда халқ кўзғолонлари ва намойишлари бўлди. Шунда Франция Брекситдан кейин яъни Британия-Франция муносабатларига путур етганидан сўнг ҳаракатни ўз тарафига йўналтириш учун кириб бориш имкониятини кўрди. Аммо Жазоирдаги режим ундан олдин Франциянинг одамларини ҳибсга олган ҳамда режимга путур етказиш ва коррупция баҳонаси билан ҳарбий судда кўриб чиқилган эди. Ўшанда Франция Жазоирдаги ҳибсга олишлар туфайли ҳарбий раҳбариятдан ғазабланган эди. Жазоирдаги ишчилар партияси раҳбари Луиза Ханун ҳибсга олинганида минглаб француз арбоблари шу жумладан собиқ бош вазир Жан Марк Эро уни озод қилиш учун петицияга имзо чекдилар.

Шундай қилиб, Британия ва унинг Жазоирдаги ҳарбий тизими Франциянинг Жазоирдаги қолган-қутган қанотларини кесишга жиддий ҳаракат қилди. Британия Франциянинг қанотлари яъни ҳарбий ва хавфсизлик қанотлари ҳамда француз ўсимталарини кесиб бўлгач, навбат сиёсий қанотга келди. 2021 йил август ўрталарида Жазоирнинг шимолини қамраб олган буюк Жазоир ёнғинлари Франция билан чамбарчас алоқа қилувчи ва Франция уни халқ ҳаракатларида қўллаган «Мак» ҳаракатига зарба бериш учун ишлатилди. Бу ҳаракатга 2001 йилда асос солинган бўлиб, қароргоҳи Парижда жойлашган. У қабилалар минтақасини автоном бўлишига чақиради. Ушбу ҳаракат 2010 йилда қабилалар минтақасида муваққат ҳукумат тузилганини эълон қилди. Бу Жазоирни парчалаш учун бўлган биринчи қадам эди. 2013 йилда «Мак» ҳаракати асосчиси Фарҳод Маҳно Жазоирдаги ғардоя шаҳрида юз берган инқирозни ҳал қилиш ишига аралашишни Франциядан талаб қилди. Шунга кўра, Жазоир ҳукумати халқ ҳаракатидан Франциянинг қўлини кесиш мақсадида «Мак» ҳаракатига Жазоирда ёнғин келтириб чиқарганлик айбловини қўйди.

Шунингдек, Жазоирдаги ҳарбий тизим ҳам Америка қўлини халқ ҳаракатидан узиб қўйиш учун мана шу катта ёнғинлардан фойдаланди. Бу ҳаракат исломий кўринишдаги «Рашод» ҳаракати эди. Франциянинг махфий меморандуми ҳақида хабар тарқатган маҳаллий турк газеталарига кўра, Турк разведкаси Анталия ва Истанбулда «Рашод» ҳаракати кадрларини қабул қилган ва уларга техник ва молиявий ёрдам ваъда қилган. Американинг мақсади, «Рашод» орқали Жазоир кўчаларидаги халқ ҳаракатларини

жиловлаб олиш ва Эрдоган режими ёрдамида уни Американинг Жазоирдаги нуфузини оширишга жалб қилиш бўлди.

Шундай қилиб, демак, Жазоирда Британиянинг нуфузи мустақкам ўрнашган. Франциянинг нуфузи эса, баъзи-баъзида заиф президентлик даврларида пайдо бўлиб туради.

Тунисга келсак, Британия бошиданоқ ишни тўлиқ назорат қилиб, мамлакатни ўзининг малайи Бурқибан орқали ва Бен Алидан кейин парда ортидан бошқараётган эди ва Тунис ареназида ҳақиқий маънода унга халқаро рақобатчи йўқ эди. Аксинча, ўз айёрлиги билан режимга очикдан-очик муҳолиф бўлган томонларга, масалан, Наҳза партиясининг етакчиси Рошид Ғаннушийга ўзининг таъсирига хизмат қилиши учун уларни ушлаб туриш, улардан фойдаланиш ва ишга жойлаштириш мақсадида ҳомийлик қилди.

Британия малайи Бурқибан Тунисга инглизлар таъсирининг кириб келиши ва илдиз отишида самарали роль ўйнаган. Дарҳақиқат, Бурқибан Мисрнинг Қоҳира шаҳрида (1945-1949) яшаган пайтда инглизларнинг нопоклиги ва айёрлигини обдан ўрганди. Бурқибан илк бор таниган Қоҳира қирол Форуқ даврида инглизлар ҳукмронлиги остида эди. У шу тўрт йил давомида сиёсий жиҳатдан Британия билан алоқа қилувчи миллатчилар ва зиёлилар давраларига тез-тез қатнаб турди.

Тунисга қайтгач, Бурқибан Францияга қарши қуроли ҳаракатларга тайёргарлик кўриш учун қизғин кампания бошлади. Кейин 1952 йил 2 январда у тунисликларнинг Францияга ишончи йўқлигини эълон қилди. Шундан сўнг 1952 йил 18 январда қуроли ҳаракатлар бошланиб кетди. Бурқибан, шунингдек, Туниснинг ҳамма ёғида изғиб юриб, янги Конституциявий Либерал партия аппарати устидан назоратни қайта тиклашга ҳаракат қилди. Унинг йўқлик пайтларида партияга Салоҳ ибн Юсуф етакчилик қилди. Бурқибанинг ёрдамчиси ва нуфузли рақиби бўлган бу кимса ҳам халқ қўллаб-қувватловини ўзи томонга қаратишга ҳаракат қилди. Сўнг, 1954 йил 3 июлда Бурқибан Франция билан ички мустақиллик деб аталадиган шартнома имзолади ҳамда (Франция аскарларини сақлаб қолган ҳолда) Тунис давлатини эълон қилди. Унинг бундай шартномани имзолаш ва қабул қилишдан мақсади Тунис ҳукмронлигини ўз қўлига олишга интилиш ва рақибининг йўлини кесиш эди. Бунга унинг нуфузли рақиби Салоҳ ибн Юсуф (янги конституциявий эркин партия бош

котиби) қаршилиқ кўрсатди. Бу эса (иккисининг сиёсий ҳаракатларининг турли йўналишлари туфайли) партиянинг икки гуруҳга бўлиниб, шиддатли курашга киришишига сабаб бўлди. Сўнг 1955 йил июн ойида манёврлар ва фитналардан кейин Бурқиба конституциявий партиянинг сўзсиз хўжайини бўлди. Сўнг ўзининг нуфузли рақиби Салоҳ ибн Юсуфни 1961 йилда Германияда ўлдирилгунга қадар партиядан ва Тунисдаги сиёсий ҳаётдан четлаштирди.

Сўнг, 1956 йил 20 мартда мустақилликни эълон қилгандан кейин, Бурқиба ҳокимият устидан назоратни мустаҳкамлади ва 1957 йил 25 июлда республика президенти этиб сайланди. Сўнг Бурқиба Тунис ичида инглизлар ишониб топширган сиёсат, яъни Усманий Халифаликнинг исломий мағрибдаги сўнги вилоятларининг исломий илдизларини йўқ қилиш ва унинг Зайтуна жомеаси орқали фикрий кенгайишини йўқ қилишга киришди. 1956 йил август ойида у кўпхотинликни тақиқловчи шахсий мақом кодексини чиқарди ва судларга ажрашиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқишни топширди. Вақфлар тарқатиб юборилди ва шаръий қозият бекор қилиниб, инсон томонидан ўйлаб топилган битта суд пайдо бўлди. Зайтунадаги мавжуд таълим тизими бекор қилинди. Жамиятни ғарблаштириш Бурқибанинг давлат ва жамият бошқарувига таянувчи сиёсатига айланди. Давлат тузилмалари ва органлари ғарблаштириш сиёсатига хизмат қилиш учун ишлаб чиқилди. 1959 йил 1 июнда республиканинг биринчи конституцияси эълон қилинди, кейин Бурқиба 5 йиллик муддатга президентлик лавозимини эгаллади ва унинг янги конституциявий эркин партияси янги ташкил этилган миллий мажлисдаги барча ўринларни эгаллади.

Бурқиба ҳокимият устидан назоратни мустаҳкамлаб, Тунисдаги сиёсий ҳаётнинг барча жаҳаларига ҳукмрон бўлиб олгандан сўнг Британиянинг Тунисдаги нуфузига хизмат қилиш ва уни мустаҳкамлаш учун Франциянинг ҳарбий мавжудлигини йўқ қилишга киришди. 1961 йилда у француз кучларини қамал қилиш ва тўғридан тўғри босим ўтказиш стратегиясини бошлади. Шу орқали Францияни Тунис шимолидаги Бизерте яқинида жойлашган ҳарбий кучларини чиқиб кетишга мажбурлади. Ниҳоят, 1961 йил июл ойида француз аскарлари билан Тунис армияси ўртасида ҳарбий тўқнашув бўлиб ўтди. Тунис армиясини юрт фарзандларидан кўнгиллилар қўллаб-қувватлади ва тўқнашув

1963 йил 15 октябрда француз аскарларининг Тунисдан чиқиб кетиши билан якунланди.

Кейинчалик йиллар ўтди ва ҳалокатли иқтисодий сиёсатлар натижасида ҳамда Бурқуба режимининг капиталистик бозор иқтисодиёти тизимига қўшилиши, унинг ортидан қарзлар сиёсати, қарзларни режалаштириш ва рўйхатдан ўтказиш дастурлари ва капиталистик молиявий ташкилотларнинг шартлари оқибатида Тунисда инқирозлар бошланди. Мамлакат қоронғи туннелга кирди, қарз инқироzi зиёдалашди, қашшоқлик ва ёшлар ишсизлиги авж олди ва коррупция кенг ёйилди. Мамлакат иқтисодий ва молиявий фалаж ҳамда банкротлик шароитида яшай бошлади. Бунинг натижасида Тунис 1986 йилда режалаштириш ва рўйхатдан ўтказиш дастурларига ҳамда Халқаро Валюта Фонди ва капиталистик молия муассасалари шартларига дучор бўлди. Кейин Бурқубанинг саломатлиги ёмонлашди ва Британия режимининг қулашидан хавфсираб қолди. Шунинг учун у 1987 йил ноябр ойида қонсиз тўнтариш орқали ҳокимиятни Зайнулобидин Ибн Алига топширишни ташкиллаштирди. Бунга қадар 1986 йил апрел ойида ички ишлар вазири лавозимига Ибн Алининг тайинланиши кераклигига шама ва ишоралар қилинган эди. Унинг қонсиз тўнтариши Тунисдаги қўғирчоқ режимни сақлаб қолиш ва у ердаги нуфузини асраб қолиш учун хавфсизлик клапани эди. Шундай қилиб, вазифа бошқа малайга ишониб топширилди ва Ибн Али уни мукамал тарзда бажара бошлади.

2010 йил 17 декабрдаги халқ норозиликлари бошлангунига қадар вазият шундай давом этди. Кейин қўзғолонлар кенгайиб, шиддатли тус олди ва ҳукумат биноларигача етиб борди. Натижада Ибн Али 2011 йил 14 январда мамлакатдан қочишга мажбур бўлди. У Францияга борган эди, Франция уни қабул қилмади. Шундан кейин у Саудияга бориб, Жидда шаҳридан қўним топди.

Ибн Али қочиб кетганидан кейинги ўн йиллик жуда оғир кечди. Шунингдек, бошқарув ва ҳукуматда иштирок этган ҳамда Тунис халқини қийнаган сиёсий партиялар пайдо қилган ҳалокат келди. Буларнинг барчасида Британия ўйин ипларини ушлаб турди. Чунки у Бурқуба учун пайдо қилган ва Ибн Алига мерос қилиб қолдирган сиёсий элитани Ибн Али қулаганидан кейин ҳам назорат қилиб ушлаб турди. Британия Туниснинг ҳамма ерида изғиб юрди ва ниҳоят, 2015 йилда Британиянинг Тунисдаги элчихонаси Адам

Смит халқаро консалтинг фирмасини Тунисга чақириб, у орқали ҳукуматга маслаҳат беришга, юқори мартабали зобитларни тайёрлашга, сиёсат ишлаб чиқишга ва янги қонунларни жорий этишга ҳаракат қилди. Аммо малайи ва қаттиққўл таёғи бўлмиш Ибн Алининг йўқлиги туфайли Британиянинг мавқеи заифлашди. Ҳаннушийнинг Британиядан қайтиши ҳам бу заифликни бартараф эта олмади. Шунингдек, ўз мавқеини кўтариш мақсадида ўзининг кекса малайи Божи Сабсийни қўллаб-қувватлаш учун кенг парламент фронтини ташкил этишда «Тунис нидоси» ва «Наҳза» ўртасида иттифоқ тузиши ҳам ёрдам бермади. Тўғрироғи, «Тунис нидоси» партиясида келишмовчилик бошланиб, ёрилиб, парчаланиб, иттифоқ барбод бўлгани сабабли вазият улар хоҳлаганидан бошқача бўлиб чиқди ва Британия нуфузи сусайди. Охири сиёсатчи бўлмаган ва конституциявий ҳуқуқ профессори Қайс Саид республика президенти этиб сайланди ва у сиёсий саҳнада етакчига айланди. Қайс сиёсий кучга эга бўлмаса-да, бироқ, Ғарб сақофати билан суғорилган кимса бўлгани учун хориждан ёрдам сўрашга муҳтож бўлмади, хориж томонидан унинг кимлигини таниш-ажратиш шарт бўлмади... Балки Тунис конституциявий қонунининг эгаси бўлган Франциянинг қўйнига осонгина кириб олди. У Франциянинг Тунисни босиб олиши, одамларни ўлдириши, кўчириши ва талон-торож қилишини ҳимоядан бошқа нарса эмас деб билар эди. Франция уни қўллаб-қувватлади... Қайс Францияга Тунисга ўз нуфузини жойлаштириб олиши учун имконият эшикларини ланг очиб берганидан сўнг, Франция унинг қўли билан юртда турли нопок ўйинлар олиб борди... Қайс учун инқилоб уюштирди. Шу орқали ўзи билан Британия ўртасидаги курашда Тунисни ундан тортиб олишга уринди. Зеро, Британия-Франция кураши шиддатли тус олиб, икки давлат ўртасидаги муносабатлар жиддий дарз кета бошлади. Дарз кетишга эса Британиянинг «Брексит»и сабаб бўлди.

Тунисдаги бугунги вазият мана шу. Унда Франция Тунис бошқаруви ва ҳокимиятини қўлга киритиш учун Британияга қарши курашмоқда. Францияга Тунисда мустаҳкам нуфузга эга бўлиш у ёқда турсин, ҳокимиятни қўлида барқарор ушлаб туриш ҳам насиб қилмади. Шунга кўра, Британия нуфузи Тунисни тарк этмади, балки нопоклиги ва доимги айёрлиги орқали Британия Франция инқилобидан ҳатто фойдаланди ҳам. Бўлиниб кетган сиёсий синфни инқилоб орқали қайта йиғиб олди. Бу синф эски

конституцияни қайтаришни, муассасаларни қайта фаоллаштиришни талаб қилди ва масалани халқ талабига айлантиришга уринди. Британия шу орқали эски тизимни қайта тиклашга ҳаракат қиляпти, кейин эса, Франциянинг авантюраси ўзининг тагига ўзи сув қўйишдан иборат бўлади.

Малай ва хоин ҳукмдорлар ўсимтасининг уруғлари ва илдизлари мана шу. Агар Ислом юртлари ўз совути, ҳимоячиси ва қалқонини йўқотмаганда эди, бу нопок ўсимталарнинг уруғлари экилмаган, ўсиб чиқмаган бўлур эди. Чунки халифа мусулмонларнинг дахлсизликларини қўриқловчи, душманларини янчиб ташловчи қалқондир. Мудом, бу зарарли ўсимтанинг уруғ ва илдизларининг экилиши халқаро позицияга ёвузлик таъсирини ўтказувчи фаол давлат билан боғлиқ экан, демак, ушбу илдиз ва уруғларнинг юлиб-қўпориб ташланиши ҳам халқаро позицияга эзгулик таъсирини ўтказувчи фаол давлат томонидан амалга оширилиши керак ва бу стратегик сиёсий билимда ҳеч ким инкор этмайдиган ҳақиқатлардан биридир. Биз учун амал ва эзгуликда буюк исломий Халифалик етарли. Биз учун сўзда ҳам, қатъийликда ҳам етакчимиз Муҳаммад мустафо ﷺнинг ушбу ҳадислари кифоя. Абу Ҳурайра Пайғамбаримиз ﷺнинг бундай деганларини ривоят қилади:

«إِنَّمَا الْإِمَامُ جُنَّةٌ يُقَاتَلُ مِنْ وَرَائِهِ وَيُنْتَقَى بِهِ»

«Имом қалқондир, унинг ортида туриб жанг қилинади ва у билан ҳимояланилади». □

1 – Рейтинг агентликлари:

Бугунги кунда кредит рейтинги бўйича хизмат кўрсатадиган кўплаб ташкилотлар мавжуд. Улардан энг машҳурлари Американинг учта - Moody's, Standard & Poor's ва Fitch агентликлари ва Хитойнинг битта – Dagong агентлигидир. Айтиб ўтиш лозимки, Хитой агентлиги яқинда Ғарб давлатларида бироз эътирофга сазовор бўлди. АҚШ муассасалари глобал кредит рейтинги бозорига ҳукмронлик қилишда давом этмоқда.

Ушбу уч агентликка «катта учлик» номи берилган. Чунки бу компаниялар ушбу сектордаги савдо ҳажмининг 94 %ини ташкил этади. Инвесторлар суверен кредит рейтингларидан хатарларни баҳолаш воситаси сифатида фойдаланишади.

- Холдинг компанияси бўлмиш **Moody's корпорациясига** 1909 йилда Жон Модди томонидан асос солинган. Унинг **Moody's investors Service** компанияси бўлиб, у иқтисодий тадқиқотлар ва молиявий таҳлиллар билан ҳамда хусусий ва давлат муассасаларини молия ва кредит мустақамлиги жиҳатидан баҳолаш билан шуғулланади. Moody's корпорацияси дунёдаги кредит рейтинги бозорининг қарийб 40 %ни назорат қилади.

- **Fitch муассасаси ёки Fitch халқаро рейтинг агентлиги Hearts корпорациясининг тўлиқ шуъба компаниясидир.** Hearts корпорацияси 2012 йил 12 апрелда Fitch агентлигидаги улушини 50 %гача оширди. Компания Жон Ноилз Фитш томонидан 1913 йил 24 декабрда Нью-Йорк штатида Фитш нашриёти сифатида ташкил этилган.

- **Standart and Poors:** Бу штаб квартираси Қўшма Штатларда жойлашган молиявий хизматлар компаниясидир. У McGraw-Hill компаниялари бўлими бўлиб, акция ва облигациялар бўйича молиявий тадқиқотлар ва таҳлилларни нашр этади.

Moody's ва Standart and Poors компаниялари глобал қарз эмиссияси рейтинглари бозорининг 80 %дан ортиғини назорат қилади. Бу бозорлар давлатларникими, ҳукуматларникими, маҳаллий муниципалитетларникими ёки ширкатларникими фарқи йўқ. Fitch агентлиги бошқа икки компанияга таққослаганда 10-15 % бозорларга ҳукмронлик қилади. Умуман олганда,

АҚШнинг учта компанияси бутун дунё бўйлаб қарзларни чиқариш ва баҳолаш бозорининг қарийб 90 ва 95 фоизини назорат қилади.

Тарихий жиҳатдан, АҚШ кредит компанияларининг глобал қарз эмиссиясининг бозордаги ҳукмронлиги 1975 йилга бориб тақалади. Аниқроғи, бу АҚШнинг қимматли қоғозлар ва биржалар комиссияси қарор чиқаргандан кейин бўлган. Қарорда ушбу уч компанияни жисмоний шахслар ва инвестиция фондларига хизмат кўрсатувчи сертификатланган провайдер, деб эътибор қилиш, инвестиция фондларининг эса давлатнинг қимматбаҳо қоғозлари ва акцияларига сармоя киритишга тарғиб қилишлари айтилган. Вақт ўтиши билан бу муассасалар давлат ва хусусий қарз бозорини монополиялаштиришга муваффақ бўлди. Бу нарса уларнинг нафақат Америкада, балки бутун дунёда катта таъсирга эга бўлишига олиб келди.

- **Рейтинг агентликларининг иш усуллари:**

Давлатлар йирик ҳукумат ёки хусусий муассасалар билан бир қаторда, паст рейтингга эга ҳамкасбларига нисбатан паст фоизли қарз ва кредит олиш ҳуқуқини берувчи юқори рейтингларни олишга интилади. Бунинг учун рейтинг агентликлари давлат ёки компанияларнинг кредит олиш ва қайтариш ҳуқуқини ва бошқа мажбуриятларни бажариш қобилиятини кўрсатадиган маълум рейтинг ва балларни беради. Рейтинглари бир неча мезонларга кўра йилдан йилга ўзгариб туради. Улардан энг муҳимлари: давлат бюджети, савдо тақчиллиги, иқтисодиёт ва ички инфляциянинг ўсиши, ишсизлик ва инфляциянинг даражаси, ташқи қарзлар ҳолати, марказий банкнинг мустақиллиги ва бошқалар.

- **Рейтинг агентликлари иқтисодий баҳолаш, сиёсий ўйинлар ва халқаро гегемонлик ўртасида.**

Кўпчилик биладики, бу муассаса-агентликлар АҚШ қўлидаги қуролдан бошқа нарса эмас. АҚШ улардан Америка компаниялари билан рақобатлашаётган йирик компанияларнинг ўсишига салбий таъсир кўрсатишга уринишда фойдаланишидан ташқари уларни вақти-вақти билан маълум давлатларга иқтисодий зарар етказиш учун ишлатади. «Катта учлик» капиталистик тузумдан туғилган бўлиб, капитализмнинг ифодалари ва кўрсаткичларидан биридир. У мезонлар бўйича тайинланадиган кўрсаткич ва белгилар асосида қандайдир давлатнинг тикланиши ёки таназзулга учрашини кўрсатиб

беради. Шундай экан, ушбу мезон ва кўрсаткичлар қанчалик ишончли? Улар сиёсий гегемонияга хизмат қилиши ёки унинг воситаларидан бири бўлиши мумкинми?

Дунёнинг биринчи давлати бўлмиш Америка бир вақтнинг ўзида иккита уруш олиб бормоқда, ёқилғиси қурол бўлган ҳарбий уруш ва иқтисодий уруш. Иқтисодий урушда рейтинг агентликлари, Халқаро Валюта Фонди ва Жаҳон Банки унинг самарали воситаси ва вайрон қилувчи қуроллари ҳисобланади. Ўзларини «мустақил» хусусий компаниялар деб ҳисоблаётган халқаро рейтинг агентликларининг асосий вазифаси давлат ёки маълум бир компаниянинг ўз қарзларини қай даражада тўлай олиш ва сармоя киритиш қобилиятини тавсифловчи кредит лаёқатлилигини баҳолашдир. Давлатнинг хорижий инвестицияларни жалб қилишининг салбий ёки ижобийлиги ҳам, шунингдек, ички ва ташқи қарзлари харажатининг салбий ёки ижобийлиги ҳам мана шуларда кўринади.

Шу сабабли, Америкада пайдо бўлган ушбу муассасалар томонидан берилган баҳолар АҚШ нишонга олган, бўйсундирмоқчи ва назорат қилишни хошлаётган ёки йўқ қилишни истаётган давлатларга қарши ўзига хос иқтисодий босимдир. АҚШ оламдаги иқтисодга ҳамда пул ва инвестициялар ҳаракатига ҳукмрон давлат бўлгани учун ушбу муассасаларнинг ҳар қандай салбий баҳоси давлат ва унинг йирик ширкатларига жиддий зарар етказиш қудратига эга. Бу иш қарз олишни қийинлаштириш ҳамда нишондаги давлатлардан молиявий ва инвестиция оқимларини сиқиб чиқариш орқали амалга оширилади. Шунинг учун Америка ўзининг гегемонлик, кенгайиш ва муҳолифларга зарба бериш сиёсатига мос равишда ҳисобот бериш учун ушбу муассасаларни ишга солиш имкониятига эга. Бу ҳисоботларнинг ноҳолислиги ва воқеликка мос келмаслигига мисоллар жуда кўп. Бу эса давлатларнинг иқтисодини қулашига олиб келди. Бу эса, мустамлакачи давлатлар учун Халқаро Валюта Фонди, Жаҳон Банки ва трансчегаравий компаниялар каби ўзларининг қуроллари ёрдамида иккинчи босқичда бир қатор чора тадбирлар орқали қайта нуфузини ёйиш ва аралашиш имкониятини беради.

2 – Халқаро молиявий муассасалар:

Улар ўз иродаси ва мустақил қонуний ўзлигига эга доимий халқаро ташкилотлардир. Бу муассасалар бир гуруҳ давлатлар

томонидан ўзларининг умумий мақсадларига эришиш мақсадида тузилган. Буларнинг қандай мақсадлар экани ва уларга қандай эришиш йўллари муассасани ташкил этишдаги шартномада кўрсатилган. Аксарияти Иккинчи Жаҳон урушидан кейин пайдо бўлган ушбу муассасалар ҳукумат ва хусусий лойиҳаларни молиялаштиришга, халқаро инвестициялар жалб қилишга, капитал оқимини осонлаштириб, унинг эркин ҳаракатланишини таъминлашга қаратилган. Валюта курсини барқарорлаштириш ва тўлов балансида мувозанатга эришишни мақсад қилади. Бугун халқаро молиявий муассасалар жуда кўп бўлиб, улардан минтақавий соҳадагилари қуйидагилардир: Иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш учун араб жамғармаси, Африкадаги араб иқтисодий тараққиёт банки ва Араб валюта жамғармаси. Америка давлатлари тараққиёт банки ва Ислон банки. Аммо халқаро майдондагилари:

– **БМТнинг 1966 йилда ташкил қилинган тараққиёт программаси (UNDP).** Унинг мақсади ривожланаётган давлатларга инвестициялар соҳасида ўз лойиҳаларини ишлаб чиқиши учун техник ва молиявий ёрдам кўрсатишдир.

– **БМТнинг sanoatни ривожлантириш ташкилоти (UNIDO).**

– **Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси.**

– **Халқаро Валюта Фонди (FMI),** қароргоҳи Вашингтонда.

– **Жаҳон Банки,** қароргоҳи Вашингтонда. Унинг муассасалари: **Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, халқаро молия корпорацияси, халқаро тараққиёт корпорацияси, низоларни ҳал қилиш халқаро маркази, турли инвестицияларни кафолатлаш агентлиги.**

а) Париж клуби: У дунёдаги энг йирик иқтисод ҳисобланган молиялаштирувчи 19та давлатнинг молия ходимларидан таркиб топган норасмий гуруҳ. Бу давлатлар: Австралия, Австрия, Белгия, Канада, Дания, Франция, Германия, Ирландия, Италия, Жанубий Корея, Япония, Голландия, Норвегия, Россия, Испания, Швеция, Швецария, Британия ва АҚШдир. Уларга 2014 йил (Исроил) ҳам қўшилди ва гуруҳдагиларнинг сони 20та бўлиб қолди.

Ушбу гуруҳ қарздор давлатларнинг банкротлигини эълон қилиш ёки фоизларни пасайтириш орқали қарзларни енгиллаштириш ёки юқори даражада қарздор давлатлар билан

кредитор давлатлар ўртасидаги қарзларни бекор қилиш ўрнига қарздор давлатларнинг қайтадан қарз олишларини режалаштириш каби молиявий хизматларни тақдим этади. Қарздор давлатларга қарзларини тўлашлари учун берилган муқобил ечимлар муваффақиятсизликка учраганидан кейин кўпинча Халқаро Валюта Фонди орқали тавсиялар берилади ёки Париж клуби рўйхатига киритилади.

- **Эълон қилинган мақсад билан ҳақиқий мақсад ўртаси:**

Париж клубига аъзо давлатлар қарздор давлатларнинг қарзларини тўлашда дуч келаётган қийинчиликларни енгиб ўтишари учун бу борада ечимларни топиб беришга интилади. Клубга аъзо бўлган кредитор давлатлар берган қарзларини тўлаш усулларини ўзгартиришга рози бўладилар. Клуб шошилиш қарзга муҳтож бўлган ҳамда иқтисодий ва молиявий аҳволини яхшилаш учун зарур ислохотларни амалга ошириш тарафдори бўлган қарздор давлатлар билан учрашади. Амалий жиҳатдан бу шуни англатадики, қарздор давлат Халқаро Валюта Фонди билан шартли келишув дастурига эга бўлиши керак. Яъни Париж клуби Халқаро Валюта Фонди сингари қарздор давлатларнинг донорлар томонидан ўз бадалларини йиғишни таъминлаш учун олдиндан белгиланган режа ва шартларга мувофиқ ҳаракат қилишини назорат қилади. Бу эса, мажбурий иқтисодий ва сиёсий кун тартибини юклайди. Заиф давлатлар мана шу кучлар орбитасида айланади ва тарк эта олмайдиган йўл харитасига амал қиладилар. Ушбу харита эса пул берувчи донорнинг ўлчами асосида ишлаб чиқилган. Мана шундай бўйсунуш орқали давлатлар аста-секин бу клуб томонидан белгилаб қўйилган шартлар натижасида иқтисодий таназзулга ва ўз бюджетида тақчилликка боғлиқ бўлиб қоладилар. Бу ишлар давлатлар даҳшатли келишувларга боғланиб қолгунича, олдинги қарзларни тўлаши ёки чексиз қарз фоизларини тўлаши учун қарз айланмасига кириб қолгунича, бу давлат сиёсатида айлангунича ҳамда иқтисодий таназзул, валютанинг қулаши, инфляция ва қарздорлик сабабли давлат чўккунича давом этади ва сиёсий томондан қарамга айланади...

- б) **Халқаро Валюта Фонди ва Жаҳон Банки:**

Халқаро Валюта Фонди ва Жаҳон Банкини ташкил қилиш фикри иккинчи жаҳон урушидан кейин 1944 йил июл ойида Американинг Нью Хэмпшир штати Бреттон-Вудсда ўтказилган

халқаро конференцияда янграган эди. Конференция иштирокчиларининг мақсади янада барқарор ва фаровон глобал иқтисодиётни ўрнатадиган иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш учун асос яратиш эди. Бу мақсад ҳар иккала муассаса учун ҳам марказий бўлиб қолмоқда. Лекин улар амалга ошираётган ишлар иқтисодий ўзгаришлар ва муаммоларга ҳамнафас бўлиш учун доимо ривожланиб бормоқда.

- **Фонд миссияси:** Фонд халқаро валюта ҳамкорлигини рағбатлантиришга ҳаракат қилади. Шунингдек, аъзо мамлакатларга кучли иқтисодиётни қуриш ва уни сақлашда уларга ёрдам бериш учун иқтисодий сиёсат бўйича маслаҳат беради ҳамда салоҳиятини ривожлантиришига ёрдам беради. Шунингдек, Фонд аъзо давлатларга қарзлар беради ва улар ўзларининг соф халқаро тўловларини қоплаш учун маъқул шартлар билан етарли маблағ ололмаётган пайтда тўлов баланси муаммоларини ҳал қилиш учун иқтисодий сиёсат дастурини ишлаб чиқишда ёрдам беради. Фонд асосан аъзо давлатлар томонидан аъзолик бадаллари шаклида тўланадиган бадалларнинг умумий ҳисобидан молиялаштириладиган қисқа ва ўрта муддатли кредитлар беради. Фонд ходимларининг аксарияти молиявий ва макроиқтисодий сиёсатда катта тажрибага эга иқтисодчилардир.

- **Жаҳон Банки миссияси:** Жаҳон Банки аъзо давлатларга муайян секторларни ислоҳ қилиш ёки мактаблар ва соғлиқни сақлаш марказларини қуриш, сув ва электр энергияси билан таъминлаш, касалликларга қарши курашиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш каби муайян лойиҳаларни амалга оширишда ёрдам бериш учун узоқ муддатли иқтисодий ривожланишга ва қашшоқликни камайтиришга ёрдам беради. Жаҳон Банки томонидан кўрсатилаётган ёрдамлар одатда узоқ муддатли бўлиб, аъзо давлатларнинг тўловлари ва облигациялар чиқариш орқали молиялаштирилади. Жаҳон Банки ходимларининг аксарияти муайян масалалар, секторлар ва технологиялар бўйича мутахассислардир.

– **Париж клуби ва Халқаро Валюта Фонди ва Жаҳон Банки ўртасидаги фарқ:**

Париж клуби норасмий клуб бўлгани учун унда ҳеч қандай қонун ҳужжатлари мавжуд эмас. Бу аъзо кредитор давлатларга ҳар бир қарздор давлатнинг ўз қарзларини тўлашда

қийинчиликларга дуч келган алоҳида ҳолатларига қарши туришда мослашувчанликни беради. Шунга қарамай, кредитор давлатлар бир томондан кредитор давлатлар ва бошқа томондан қарздор давлатлар ўртасида тузилган ҳар қандай келишувни таъминлаш учун фойдали бўлган бир қатор қоидалар ва тамойилларни ўрнатдилар. Ушбу қоидалар ва тамойиллар барча томонлар томонидан қабул қилинади ва ҳар бир ҳолат бўйича қарор қабул қилишни ўз ичига олади. Эҳтимол, бу тайёр рецептлар ва қатъий ва ўзгармас қарорларни қабул қиладиган Халқаро Валюта Фонди ва Жаҳон Банки ўртасидаги кичик фарқни ташкил қилади. Лекин, умуман олганда, ҳар иккиси ҳам битта хунук томоннинг икки юзи бўлиб қолаверади ва бу томон мустамлакачиликдир. У ёрдам қўлини чўзиш ниқоби остида ялтироқ шиорлар била ишга аралашади. Лекин у алдамчидир, чунки у назорат қилиш, ҳукмронлик қилиш ва бўйсундириш истагини яширади ва одатда бу мустамлакачи қутблар билан ҳар қандай ҳамкорликнинг хотимасидир. Ушбу фондлар ва клублар аралашган давлатларнинг ҳолатининг натижалари ҳалокатли эканлиги исботланган, чунки улар ёрдам кўрсатишни даъво қилган нарса натижасида тикланиш ҳолатлари деярли йўқ. Қайсики мамлакат улар билан муомала қилса қарзи кўпайиб, иқтисоди чўкди, аҳволи оғирлашди ва бутунлай иқтисодий фалаж даражасига етди.

в) Жаҳон Савдо Ташкилоти (WTO): Бу Швецариянинг Женева шаҳрида жойлашган халқаро ташкилотдир. Унинг асосий вазифаси савдо-сотиқнинг иложи борича қулайлик ва эркинлик билан силлиқ оқимини таъминлашдан иборат. Бу давлатлар ўртасидаги савдо бўйича халқаро қонунлар билан шуғулланадиган ягона глобал ташкилотдир. Жаҳон савдо ташкилотига 164 аъзо давлат ва 20 кузатувчи давлат киради.

г) Катта йигирматалик: Бу 19 давлат ва Европа Иттифоқи ҳукуматлари ва марказий банк раҳбарларини бирлаштирган халқаро форумдир. Ташкилот 1999 йилда ташкил этилган; халқаро молиявий барқарорликни ошириш билан боғлиқ сиёсатни муҳокама қилиш, шунингдек ҳар қандай шахснинг масъулиятидан ташқарига чиқадиган муаммоларини ҳал қилиш мақсадида ташкил этилган. Бу ташкилот 2008 йилдан бошлаб ўз кун тартибини кенгайтирди; унинг саммитларида ҳукумат

раҳбарлари ёки давлат раҳбарлари шунингдек молия вазирлари ва таҳлил марказлари иштирок этадиган бўлди.

Гуруҳ саммитларида Европа Иттифоқидан Европа комиссияси ва Европа марказий банки иштирок этади. Йигирматалик гуруҳига аъзо давлатлар иқтисодиёти биргаликда дунё умумий маҳсулотининг қарийб 90 %ини ва глобал савдонинг 80 %ини ташкил қилади. Агар Европа Иттифоқи ичидаги савдо ҳисобга олинмаса 75 %ни ташкил қилади. Гуруҳга аъзо давлатлар аҳолисининг сони дунё аҳолисининг учдан икки қисми ва дунё қуруқлик майдонининг тахминан ярмини ташкил қилади.

3 – Бу муассасаларнинг барчаси халқаро низом ва мустамлака ҳукмронлигини ёйишга хизмат қилади:

Бир қатор муфаккир ва тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, Жаҳон Банки ва Халқаро Валюта Фонди «Янги халқаро низом» ва «Трансмиллий корпорациялар»га хизмат қилиш учун ҳаракат қилишмоқда. Америкалик ёзувчи Ноам Хомский ушбу компанияларни бугунги глобал тизимни бошқараётган ва унинг устида ишлаётган энг кўзга кўринган таъсир доираларидан бири деб ҳисоблайди.

Айрим кузатувчиларнинг ҳисоблашича, Жаҳон Банки ва Халқаро Валюта Фонди халқаро низомнинг энг кўзга кўринган қуролларидандир. Зеро, улар қашшоқ давлатларга ривожлантириш мақсадида қарз беради. Лекин ҳар иккиси ҳам ўша давлатга ўзига хос шартларни қўяди, бу эса одатда қашшоқ давлатларнинг манфаатига тескари бўлади. Демак, бу икки ташкилот кичик давлатларни қарзга ботиради. Бу эса йирик давлатларнинг ҳукуматларига (асосан АҚШ каби) шу давлатларнинг иқтисодига сармоя ва босим гуруҳлари орқали аралашшига ёрдам беради. Натижада уларни ўзларига бўйсундиради.

Айрим иқтисодчиларнинг айтишича, Жаҳон Банки ва Халқаро Валюта Фондидан қарз олган давлатлардаги қашшоқлик ва ишсизлик даражаси қарз кўпайишига қараб ортиб бораверади. Шу билан бирга ушбу давлатларнинг мана шу икки ташкилотга тобелиги ҳам ортиб боради. Икки ташкилот директорлари ўртасидаги ички келишувга кўра бу давлатлар Европа ва АҚШга бўлган тобеликдан чиқа олмайди. Буни Жаҳон Банкининг собиқ маслаҳатчиси Жозеф Стиглиц ҳам таъкидлаган.

Иқтисодчи Мишел Часудовский бу ҳолатга бир неча мисоллар келтирган, жумладан Сомали. Зеро Жаҳон Банки ва Халқаро Валюта Фонди Сомалига қарз бериб, уни маълум бир иқтисодий қолипга риоя қилишга мажбур қилган. Бу эса Банк ва Фондни ушбу давлатнинг иқтисодий сиёсатига бевосита аралашшига йўл очган.

Йирик давлатлар дунё давлатларининг барчасига турли йўллар билан ҳукмронлик қилишмоқда, уларни ўзларига чамбарчас боғлаб олиб, бойлик ва ресурсларини талон-торож қилиб, ҳолдан тойдиришмоқда. Уларнинг ҳукмронлик қилиш йўлларига мисоллар:

– **Сиёсий қарамлик** ва ҳукмдорлар ва қарор қабул қилувчи доиралардаги малайларнинг ўрнатилиши, бу мамлакатни ва унинг барча имкониятларини мустамлакачиликка гаровга қўйиш.

– Худди хизматкорни хўжайинга боғлагандек заиф давлатлар иқтисодини ҳукмрон давлатлар иқтисодлари билан боғлайдиган **иқтисодий қарамлик**. Бу ерда компаниялар ва капитал қонуний тўсиқларсиз ёки божхона тўсиқларисиз ҳаракатланади, сўнгра рақобат номи остида товар ва маҳсулотлар учун чегаралар очилади. Аслида бу мустамлакачилар манфаати учун маҳаллий иқтисодий тузилмани мунтазам равишда йўқ қилиш ва ўзгартиришдан бошқа нарса эмас. Мамлакат эса, хорижий маҳсулотлар учун назорат қилиб бўлмайдиган бозордир.

– **Мустамлакачилик фондлари ва молиявий клубларнинг очикдан-очик аралашуви ва улар билан рейтинг агентликлари ўртасидаги мустамлакачилик характеридаги сиёсий лойиҳаларга хизмат қилиш учун даҳшатли мувофиқлаштириш**; Одатда бу лойиҳалар картон давлатлар рад эта олмайдиган адолатсиз шартлар билан бирга бўлади, чунки уларни рувайбиза ҳокимлар бошқаради.

Пул китлари ва талон-торож фондлари билан муомала қилиш фақат ўзгартиришга ярамайдиган қўрқоқларнинг тақдиридир ва улардан паноҳ излаётганлар оловдан паноҳ излаган, охири куйиш ва ўлим билан якунланган одамга ўхшайдилар.

Капиталистик тузум аср касаллигидир. Уни ҳаёт программаси сифатида қабул қилган кимсалар учун у ўлимга олиб келадиган давоси йўқ касалликдир. Дунёнинг барча давлатлари унинг балосига йўлиққан. Капитализмнинг жиноятлари ҳатто ўз

Ўлкаларида ҳам осмонлар баробар бўлиб кетган. Бироқ, капитализмни илдизи билан қўпориб ташлашга қатъий аҳд қилган, капитализм ва унинг бўғинлари билан алоқани узиб, бошқа йўлга қатъий ишонган давлат бу иллатдан шифо топиши мумкин. У қатъий ишонган ушбу йўл ҳеч қандай ботил аралашмаган ва ваҳидан балқиб чиққан ҳамда инсониятни бахтли қилиш ва уни ҳайвоний даражадан юксаклик, тараққиёт ва қадр-қиммат даражасига кўтаришни ўз олдига мақсад қилган йўлдир. Бу Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик давлати татбиқ қиладиган шариат ва қонунлар қучоғидагина амалга ошиши мумкин. □

ФИЗИК ТЕНГЛАМА ВА ҚОНУНЛАРГА КИМ ОЛОВ ПУФЛАБ, УЛАРНИ КОИНОТГА УЗАТГАН?

Соир Аҳмад Салома – Канада

Инсон бу дунёда билим олиб яшайди. У ташқи олам ва унинг чуқур ўрганилиши керак бўлган номаълум томонлари тасвирини мияга узатиб, улар ҳақида тафаккур қилиш, шунингдек, улар билан ўзаро муносабатга киришиш учун кўриш, эшитиш ва булардан бошқа сезги аъзоларидан фойдаланади. Чунки ҳар қандай инсонда жиддий ва муҳим саволлар туғилади. Бу саволлар уларнинг жавобини топишга ундайди ва улар жиддий саволлар бўлгани учун унда тугун ҳосил қилади. Бу тугунларнинг энг каттаси инсоннинг борлиқ ҳақидаги умумий саволларидир. Яъни коинот, инсон ва ҳаёт... уларнинг манбаси ва қисмати... уларнинг дунё ҳаётидан илгариги вужудга ва дунё ҳаётидан кейинги ҳаётга алоқаси... уларнинг яратилишидан кўзланган мақсад, шунингдек, уларнинг вазифаси ҳақидаги саволлардир.

Коинот ҳаётга меҳмоннавозлик қилиш учун яратилганми? Инсоннинг бу коинотдаги вазифаси нима? Инсоннинг яратилишидан кўзланган мақсад нима? Инсоннинг борлиққа ва борлиқнинг инсонга алоқаси қандай?

Нега қандайдир нарсанинг бўлиши шарт қилинади? Нега йўқлик тан олинмайди? Нима учун мавжудлик йўқликдан устун қўйилади? Айниқса, ақл ва илм-фаннинг исботига кўра, Материя, энергия, вақт ва маконга эга бўлган коинотнинг бир неча миллиард йил олдин пайдо бўлганлигини ҳисобга олсак, бу саволларнинг жавоби қандай бўлади. (Европанинг «Planck» космик агентлигига кўра, коинотнинг ёши 13,82 миллиард йил дея баҳоланади).

Коинот, яъни барча жисмоний мавжудотлар қандай пайдо бўлган?

Коинот маълум схема бўйича ҳаракатланадими ёки бу тасодифий жараёнми?

Физик тенглама ва қонунларга ким олов пуфлаб, уларни коинотга узатган? Бу энг муҳим саволлардан биридир. Чунки бундан қўйидаги бошқа саволлар келиб чиқади: Нега коинот илк пайдо бўлганидан бошлаб шу қонунлар асосида ҳаракатланади? Яъни ҳамма нарса олдиндан режалаштирилганидек, коинот бу қонунларга бўйсунди?¹.

⁽¹⁾ Альберт Эйнштейн бундай деган: «Мен атеист эмасман, ўзимни пантеизм тарафдори, деб билмайман. Биз кабилар мисоли бир ёш болага ўхшаймиз, бола турли тилларда

Кимёвий ва физик жараёнларнинг қонунларга муҳтожлиги

Коинот қонуни туфайли ундаги мураккаб кимё ишлай олади ҳамда коинотни ташкил этувчи юлдузлар, галактикалар, кластерлар ва суперкластерлар каби самовий жисмлар шаклланиб, барқарорлашади. Коинот қонунларининг аниқлиги туфайли юлдузлар қаърида содир бўладиган ядро синтези натижасида янги элементлар пайдо бўлади.

Нима учун бошқаси эмас, айнан шу қонунлар ишламоқда? Нима учун айнан шу ўлчовлар белгиланган?

Ҳаёт учун уйғун бўлган коинотнинг бунёдга келишига олиб келган жараёнлар мураккаб-нозик тизим билан чамбарчас боғланган. Бу тизимга мувофиқ коинотнинг физик қонунлари ва хусусиятларини тавсифловчи кучлар, майдонлар ва энергиялар, космологик параметрлар (cosmological parameters) ва фундаментал константалар (fundamental constants)нинг миқдори тартибга солинган. Бу фундаментал константалар физик қонунларни сифатлаб беради, физик қонунлар эса, бизнинг коинотимизнинг хусусиятларини маълум бир аниқ маълумотлар доирасида ва тор доирада белгилаб беради. Ушбу аниқ доиралардан ёки эҳтимолдан узоқ бўлмаган жараён ҳажмидан четга чиқиш билан коинот ва ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳамда давом этиши мумкин эмаслиги англашилади. Кучлар, материя ва энергия ўртасидаги ушбу жараён ва сабаб-оқибат реакцияси заррачаларнинг аниқ хусусиятларига боғлиқ бўлиб, уларга маълум бир масса, заряд, айланиш ва ўлчов беради. Бундан ташқари, кимдир бу жараённинг барчасини қонунларга бўйсунушга ва уларга мувофиқ ҳаракат қилишга мажбур қилиб туради.

Бу қонунлар атомдан бошлаб галактикагача бўлган коинот жисмларидаги кимёвий ва физик жараённи бир тартибда, математик жиҳатдан аниқ ва ҳар томонлама бир-бири билан

ёзилган китобларга тўла кутубхонага кириб, бу китобларнинг ҳаммасини битта одам ёзган, деб билади. Аммо у қандайлигини билмайди, китобларда ёзилган тилларни ҳам тушунмайди. Китобларнинг жуда чиройли симметрик шаклдаги тизим билан териб қўйилганига ҳайрон бўлади, аммо бу тизим моҳиятини англамайди. Менимча, энг ақлли инсон ҳам Илоҳга нисбатан мана шундай йўл тутади! Биз коинотни ҳайратланарли даражада тартибга солинганини ва муайян қонунларга мувофиқ ҳаракат қилаётганини кўраимиз, бироқ, тиник эмас. Бу қонунларни озчилигимиз тушунаимиз, чекланган ақлимиз «Зодиак»ни сирли Куч ҳаракатлантираётганини англайди». Энтони Флюнинг «Илоҳ бор, дунёдаги энг ашаддий атеистларнинг ўз фикрларини ўзгартириши» номли китобидан. «Жанноти Холид» «Braheem» маркази томонидан таржима қилинган, 104, 105-саҳифалар.

Jammer, Einstein and Religion, 45–46.

боғлаб турувчи тарзда бошқаради. Бу қонунлар физик зарурат бўлиб, улардан четга чиқиб ва уларни ўзгартириб бўлмайди. Эйнштейн буни «мужассамланган сабаб» деб атайди. Коинотдаги барча жараён ушбу қонунларга мувофиқ амалга ошади. Бу қонунлар, Стивен Хокинг сўзлари билан айтганда «коинотни тасвирлайди» ёки бу коинотнинг тартибли ишлашининг кафолатидир¹.

Атомдан галактикагача бир хил қонунлар билан бошқариладиган жуда хилма-хил мураккаб ҳолатлар!

Профессор Пол Девиз айтади: «Илмий тадқиқот номаълум бўлган нарсага саёҳатдир. Ҳар бир тараққиёт ўзи билан янги ва кутилмаган кашфиётлар олиб келади. Шунингдек, онгимизни ғайриоддий, баъзан эса қийин тушунчалар билан синовдан ўтказади. Буларнинг барчаси орқали оқилоналик ва тартиб билан танилган йўл давом этади. Бу коинот тизими – биз кўриб турганимиздек – ўзига хос математик қонунлар билан бошқарилади, улар бир-бири билан ўзаро уйғун бирлик ҳосил қилади. Қонунлар оддий йўл билан тартибга солинган ва кўпинча олимларга ўзини гўзаллик асосида тавсия этади»².

Профессор Пол Девиз яна айтади: «Физиканинг ҳайратланарли томони шундаки, унинг баъзи назарияларини ўрганиш мумкин. Масалан, Максвеллининг электромагнитизм назарияси атомлар ичидаги электромагнит хоссаларининг ажойиб тавсифини беради. Лекин у радиуси 10^{32} марта катта бўлган галактикалар орасидаги магнит майдонларга ҳам мос келаверади. Бу назария майда магнит майдонларининг галактикалараро фазодаги космик нурларга таъсирини ва магнетарлар деб аталадиган қулаб

(1) Ричард Докинз дизайн санъатига қарши чиқиб, танкид қилганда, Суинбёрн унинг танкидига жавобан, ўхшаши йўқ нукталар билан бундай деган: «Табиат қонуни нима? – деган масалага мени танкид қилганлардан бирортаси ҳам тўхталишмади. Жавоб шуки, табиат қонуни бу ҳар бир жисмнинг битта йўналиш бўйича юришидир. (Масалан: улар маълум бир тенглама формуласига кўра, бир-бирини тортиб туради). Менинг назаримда бу фикр «ҳар-бир жисм физиологик зарурат туфайли битта йўналишда ҳаракат қилади (масалан: ҳар бир жисми бир-бирини бир хил тарзда тартади)», деган гап билан бир хилдир. Аммо биз учун энг осон-соғда фикр шуки, ушбу тартиб-интизом битта асосдан келиб чиқади, битта асосга боғлиқлиги сабабли ҳам ҳар бир жисм бир-бирини тортиб туради. Биз барча жисмларнинг ҳаракат йўли бир хил, деган фаразга борсак, ғирт кўрлик бўлади». Энтони Флюнинг «Илоҳ бор, дунёдаги энг ашаддий атеистларнинг ўз фикрларини ўзгартириши» номли китобидан. «Жанноти Холид» «Braheem» маркази томонидан таржима қилинган, 113-саҳифа. Jammer, Einstein and Religion, 45–46.

(2) Манба: «Илоҳий ўлчов мантикий оламнинг илмий асосидир». Пол Девис, Муҳаммад Жавро таржимаси, Илмий мурожаат: Доктор Жиход Малхам, 14-саҳифа.

тушаётган юлдузларнинг хатти-ҳаракатларини тасвирлайди. Чунки уларнинг магнит майдони 20^{32} марта катта¹.

Пол Девиз яна айтади: «Ушбу қонунлардаги кучнинг белгиси шундаки, у ҳар қандай ҳодисани ёки уни тушунтириш йўлини тасвирлашда имон ўлчовидан ташқарига чиқади ва уни бошқа ҳодисалар билан боғлайди. Масалан, Ньютоннинг тортишиш қонуни бизга сайёралар ҳаракатини аниқ ҳисоблаш имконини беради. Чунки у бизга океандаги сув тошқини ҳодисасини, ернинг шаклини, космик кемалар ҳаракатланиши керак бўлган ҳаракатни ва бошқа кўплаб нарсаларни тушунтиради. Максвеллининг электромагнит назарияси ўз навбатида электр ёки магнит ҳодисаларини оддийгина тасвирлашдан узоқлашади. Зеро, у ёруғлик тўлқинларини тушунтирди ва радио тўлқинлари мавжудлигини башорат қилди. Шундай қилиб, асосий ва ҳақиқий қонунлар турли жисмоний жараён ўртасидаги чуқур алоқаларни бино қилади. Илм-фан тарихи шуни кўрсатадики, янги қонун қабул қилингандан сўнг бу қонуннинг оқибатларини излаш бошланади. Шунингдек, қонуннинг ўзи ҳам кузатишлар орқали синовдан ўтказилади. Одатда бу янги, кутилмаган ва муҳим ҳодисаларнинг кашф этилишига олиб келади. Буларнинг барчаси мени яхши йўналтирилган фан орқали ҳақиқий заруратлар ва амалий алоқаларни кашф қиламиз деб эътиқод қилишга етаклайди. Шунингдек, биз қилмаётган ва ёзмаётган балки табиатда бўлаётган алоқа ва заруратни ўрганишмиз деб эътиқод қилишга етаклайди».

Физика қонунлари тартибсизлик ва тасодифийлик эмас, балки коинот борлигини кафолатлайди!

Пол Девиз ифодалашича бу қонунлар «Ҳақиқий нарсалардир, албатта, улар жисмоний жисмлар эмас. Лекин жисмоний бирикмалар орасидаги маълум муносабатлардир. Аммо муҳими шундаки, дунёда нафақат бизнинг онгимизда, балки «ташқарида» ҳақиқий муносабатлар мавжуд². Пол Девизнинг сўзига кўра: «Биздан миллиардлаб ёруғлик йили узоқликда жойлашган юлдузлар ва галактикалар бизга яқин бўлганларга жуда ўхшайди.

(1) Манба: «Буюк Коинот мукофоти, коинот нима учун яшашга муносиб». Why our universe is just right for life. Пол Девис, доктор Саъдуддин Харфон таржимаси, 105-саҳифа.

(2) Манба: «Буюк Коинот мукофоти, коинот нима учун яшашга муносиб». Why our universe is just right for life. Пол Девис, доктор Саъдуддин Харфон таржимаси, 26-саҳифа.

Шунингдек, ҳамма жойда бир хил тарқалган, уларнинг таркиби ва ҳаракати ҳам ўхшашдир. Физика қонунлари фазонинг энг узоқ жойида ҳам бир хил бўлиб, бизнинг ускуналаримиз уларни ихтиро қила олади. Қисқаси: тартибсизлик эмас, балки коинот бор»¹.

Агар коинотдаги асосий кучлардан бири ўчса ёки коинотнинг ўзгармас қонунларидан бири ўзгарса нима бўлади?

Квант физикасининг энг кучли олимларидан бири Гейзенберг шундай дейди: «Агар компасни бошқариб турган магнит кучи – бу марказий низом бўладими, унинг манбасидан қатъий назар – абадий ўчиб қолса, бу бутун инсоният учун фашистларнинг консласгери ёки атом бомбасидан кўра кўпроқ фожиали ва даҳшатлироқ бўлади»².

Коинот қонунлари мутлақ ва кенгқамровли бўлиб, уларда истисноий ҳолатлар йўқ!

Кейин Девиз қонунларнинг хусусиятларини келтиради, қўйидагилар ўшалар жумласидандир:

Биринчидан: Қонунлар бошидан охиригача оламшумулдир. Чунки бир жойда ишлаб бошқасида ишламайдиган қонун яхши эмас. Мукамал қонунлар коинотнинг ҳеч бир жойида коинот тарихининг ҳеч бир даврида, яъни ҳеч қандай ҳолатда барбод бўлмайдиган қонунлардир. Уларда ҳеч қандай истисноларга рухсат берилмайди.

Иккинчидан: Қонунлар мутлақдир, яъни улар бошқа ҳеч нарсага боғлиқ эмас, хусусан, улар табиатни кузатадиган киши ёки дунёнинг ҳозирги ҳолатига боғлиқ эмас. Шунинг учун физик ҳолатлар бу қонунлардан таъсирланади, аксинча эмас»³.

Хўш: Ким физик қонунлар ва тенгламаларга олов пуфлаб, уларни коинотга узатди?

Ажабо, коинотда аниқ тартиб мавжудлигига қатъий ишонгандан кейин, сиз буни тасодифийликка боғлайсизми. Ёки уни мана шу тартиблашга қодир бўлган зотсиз ўзидан ўзи пайдо бўлган деб биласизми? Ёки шундан кейин ҳам буларни доно, ақлли ва беҳожат зот режалаштирганига шубҳангиз борми?

(1) Манба: «Буюк Коинот мукофоти, коинот нима учун яшашга муносиб». Why our universe is just right for life. Пол Девис, доктор Саъдуддин Харфон таржимаси, 34-саҳифа.

(2) Манба: «Жанноти Холид» «Braheem» маркази томонидан таржима қилинган, 107-саҳифа. Jammer, Einstein and Religion.

(3) Манба: Пол Девис, «Аллоҳга яқинлашиш коинот асли ва қандай бошлангани устидаги изланишдир». The Mind of God, Мунир Шариф таржимаси. 101, 103-саҳифалар.

Учинчидан: Хулоса қилиш ва тавсифлашдаги ҳар қандай хатонинг мавжудлиги коинот қонунларининг ўзига эмас, балки илм фан билан шуғулланаётган инсонларга боғлиқ. Чунки бу қонунлар ҳар қандай хато, қарама-қаршилик ёки тартибсизлик эҳтимолидан юқоридир. Бу бизни қуйидаги қоидани ишонч билан қўйишга ундайди: Коинот қонунларининг келиб чиқиши илоҳий, улар хато ва зиддиятлардан ҳоли, илмий хатолар эса инсониятдан келиб чиқади. Илмий хатолар коинот қонунлари ва қоидаларининг тўғрилик характерини ўзгартирмайди. Буни кимдир билади, кимдир билмайди. Илмий назариялар инсонлар томонидан келиб чиққани учун коинотдаги фактларнинг моҳиятини тушунмайди.

Ҳатто Стикен Хокингнинг энг кўп сотилган (Вақтнинг қисқача тарихи) китоби ҳам шу сўзлар билан якунланган: «Агар биз ҳамма нарсанинг назариясини кашф қилсак, уни фақат олимларнинг чекланган гуруҳи эмас, балки ҳамма тушунган бўлар эди. Шундай қилиб, биз барчамиз, файласуфлар, олимлар ва оддий одамлар нима учун биз ва коинот дунёга келди? – деган саволни муҳокама қилишимиз мумкин. Агар шу саволга жавоб топсак, инсон тафаккурининг максимал даражасига эришган бўламиз. Шунда биз яратувчининг ақлини тез англаймиз».

Олдинги саҳифада у бундай саволни ўртага ташлайди: «Агар фақат бир бутун тўлиқ назария бўлса, у фақат қонун ва тенгламалар тўплами бўлади. Аммо бу тенгламалардан коинотни яратиш учун уларга ким олов пуфлайди?».

Хокинг кейинги интервьюларида кўп айтади: «Коинотнинг уйғун жойлашуви жуда катта таъсирга эга. Биз коинотни қанчалик кўп ўргансак, унинг оқилона қонунлар билан бошқарилишини кўрамиз». Сизда ҳали ҳам: Нега коинот пайдо бўлиш қийинчиликларини ўзига юклаган? – деган савол бор бўлса керак. Агар хоҳласангиз яратувчининг борлигини бу саволга жавоб қилишингиз мумкин»¹. □

⁽¹⁾ Манба: Энтони Флюнинг «Илоҳ бор, дунёдаги энг ашаддий атеистларнинг ўз фикрларини ўзгартириши» номли китобидан. «Жанноти Холид» «Braheep» маркази томонидан таржима қилинган, 113-саҳифа.

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
Бирлашган Араб Амирликлари фильмларга қўйилган цензурани олиб ташлади ва фильмларни баҳолаш тизимига 21+ ёш категориясини киритди		
<p>Бирлашган Араб Амирликлари кинотеатрларда намойиш этилаётган фильмларни энди цензура қилмаслигини эълон қилди. БАА маданият вазирлигининг оммавий ахборот воситаларини тартибга солиш бошқармаси «фильмларни баҳолаш тизимига 21+ ёш категорияси киритилганини» маълум қилди. Бошқарманинг қўшимча қилишича: «Ушбу таснифга кўра, кинотеатрларда фильмлар халқаро версияси бўйича намойиш этилади. Таснифлаш эса мамлакатдаги медиа контент стандартлари асосида берилади». Бу – Кўрфаз давлати ўзининг ижтимоий қонунларини доимий равишда янгилаётган бир пайтда содир бўлмоқда. Ўтган йил охирида БАА ўзининг қонунчилик тузилмасини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари доирасида шахсий мақом тўғрисидаги айрим қонунларга ўзгартиришлар киритилганини эълон қилди. Мамлакат турмуш қурмаганларнинг бирга яшашига рухсат берди, спиртли ичимликларни сотиб олиш ва истеъмол қилиш устидан назоратни енгиллаштирди, узоқ муддатли яшаш визаларини беришни бошлади ва компанияларга тўлиқ хорижий эгалик қилишга рухсат берди.</p> <p>Ал-Ваъй: Муҳаммад ибн Зойид ўз номини Гиннеснинг рекордлар китобига Исломга душманлик қилган биринчилар қаторида киритилишини истагандек, Исломга душманлик қилишга ҳаракат қилмоқда... Уни Аллоҳ лаънатлагай, қандай адашмоқда-а.</p>		
Шайх Муҳаммад Али Ҳусайний қирол ва унинг ўғлига кўр-кўрона садоқат кўрсатиш эвазига Саудия фуқаролигини олди		
<p>Араб Ислом кенгаши котиби Муҳаммад Али Ҳусайний Саудиянинг «Указ» газетасига берган интервьюсида «Сиёсий ислом деб аталган нарса динга фақат исми жиҳатидан алоқаси бўлган бидъатдир», деди. У айрим диний арбобларнинг мазҳабга оид нутқларига тўхталар экан, шундай деди: «Бу жаҳолат ва кўр-кўрона ақидапарастликнинг инъикосидир. Бу нутқлар ички тартибсизликларни келтириб чиқариш учун ташқаридан атайлаб йўналтирилиши ҳам мумкин. Чунки мазҳабга оид бундай нутқлар нафақат динга, балки тўғридан-тўғри миллий ва араб хавфсизлигига ҳам зарар келтиради. Чунки бундай нутқлардан</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>бўлиб парчалаш мақсад қилинади». Ҳусайний «мўътадил нутқ»қа, сафларни жипслаштириш ва экстремистик мафкурага қарши туриш» га чақириб, мўътадиллик бизнинг яқинлашиш ва тинч-тотув яшашимиз воситасидир ва у минтақа учун ҳам заруратдир. Чунки минтақа можаролар ва урушлардан азият чекмоқда ва бу низоларни мулоқот орқали ўчириш керак», деб таъкидлади.</p> <p>Ал-Ваъй: Ҳусайний 2021 йил 15 ноябрда чиқарилган қироллик фармони асосида Саудия фуқаролигини олди. У бу ҳақда шундай деб изоҳ берган эди: «Буюк ватаним Саудия Арабистони қироллигига астойдил, ҳалол ва садоқат билан хизмат қилишга ваъда бераман. Икки ҳарам ходими, миллат етакчилари қирол Салмон ибн Абдулазиз ва олий ҳазратлари валиаҳд шахзода Муҳаммад ибн Салмонга муҳаббат, вафо, эшитиш, итоат ва садоқатда қарздорман. Аллоҳ Таоло уларни қўллаб-қувватласин». Ҳусайний Саудия ҳукмдорларини Аллоҳдан, Унинг Росули ва динидан юқори қўймоқда.</p>		
<p align="center">Баҳрайн қироли (Исроил)нинг қиролликдаги биринчи элчисининг ишонч ёрлиғини қабул қилди</p>		
<p>Баҳрайннинг расмий ахборот агентлиги «BNA» хабарига кўра, қирол Ҳамад Сахир саройида бўлиб ўтган маросимда Малайзия элчиси Шазриел ибн Заҳийрон ва (Исроил) элчиси Айтан Наийнинг ишонч ёрлиқларини қабул қилди. (Исроил) ахборот воситалари Наийнинг сўзларидан шундай иқтибос келтирди: «(Исроил) миллий мадҳиясини ранг-баранг формадаги қоровул олдида ва саройнинг парад майдонида қироллик оркестри ижросида тинглаш ҳаяжонлидир... Менинг қирол билан учрашувим илиқ ва дўстона бўлди». (Исроил) ташқи ишлар вазирлиги ўзининг «(Исроил) араб тилида» номли akkaунтида Баҳрайн қироли икки давлат ўртасидаги муносабатлар чуқурлигини ва уларнинг барча соҳаларда ривожланаётганини яна бир бор таъкидлаб, (Исроил) элчисига дипломатик миссияда муваффақиятлар тилаганини билдирган.</p> <p>Ал-Ваъй: Баҳрайндаги яҳудийларнинг сони қанча эканини биласизми?! Уларнинг сони атиги 36та, холос. Баҳрайндаги яҳудийлар диаспорасининг етакчиси Иброҳим Нононинг ҳисобича улар 50та атрофида. Кўлгили жиҳати шундаки, аслида,</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>элчиликнинг ўзига бундан кўп яҳудий лозим бўлади!!... Гап сонда эмас, балки Баҳрайн ҳукмдорларининг хорлиги ва хўрлигидадир.</p>		
<p style="text-align: center;">﴿وَمَنْ يُهِنِ اللَّهَ فَمَا لَهُ مِنْ مَّكْرِمٍ﴾</p> <p>«Кимни Аллоҳ хор қилиб қўйса, бас, уни (ҳеч ким) азиз қилгувчи бўлмас» [Ҳаж 18]</p>		
<p>Франция масжидларни «нафрат қўзғатувчи» деган даъво билан ёпмоқда</p>		
<p>Франция ички ишлар вазири Жералд Дарманнан 2021 йил 14 декабр куни мамлакат шимолидаги Бове шаҳридаги масжид ёпилишини эълон қилди. Бу мусулмонларга қарши кураш доирасида бўлмоқда. Ички ишлар вазири жумладан шундай деди: «Бугун Боведаги масжиддан бошладик». «Уаз» шаҳри маъмурияти эса шаҳардаги масжидни бошқарадиган «Умид ва биродарлик» уюшмасини олти ой муддатга маъмурий ёпилиши ҳақида хабардор қилди. Бу эса масжидни «нафрат қўзғатувчи» деган даъво билан амалга оширилган. Бундан бир кун олдин охири пайтларда 21та масжид ёпилгани ҳақида эълон қилиниб, улар «экстремизм кўринишига» гувоҳ бўлаётганини даъво қилинган эди. Эътиборлиси, Франция миллий Ассамблеяси (парламент) ўтган йилнинг 23 июлида биринчи бўлиб, сепаратистик Исломга қарши кураш сифатида белгиланган республика қадриятларига ҳурматни тарғиб қилиш бўйича баҳсли тамойилни қабул қилган эди. Қонун Франциядаги мусулмонларни нишонга олгани ва фаолиятларининг барча жабҳаларига чекловлар қўйгани учун танқидга учраган эди.</p>		
<p>Қонун лойиҳаси масжидлар ва уларни бошқаришга масъул бўлган уюшмаларни, шунингдек, мусулмонларга тегишли фуқаролик ташкилотларини молиялаштирилишини назорат қилишни назарда тутди. Шунингдек, университетгача бўлган таълим муассасаларида рўмол ўраш таъқиқланган мамлакатларда оилаларнинг фарзандларини уйда ўқитиш эркинлигига чекловлар қўяди.</p>		
<p>Ал-Ваъй: Исломга қарши душманлик ва урушда ўзини асосий қурол, деб билувчи илмоний Франция мана шу бўлади... У Исломга қарши курашар экан, ўзининг (фикр, ақида ва шахсий эркинлик) каби илмоний таълимотига ҳам зид равишда курашади. Бундай</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>душманлик мавжуд экан, энг тўғри гап шуки, аслида Ислом билан илмонийлик учрашмайди... Фақатгина ҳазорат ва қадриятлар тўқнашуви майдонида учрашади. Ҳаммадан аввал мусулмонлар бу душманлик моҳиятини англамоқлари даркор.</p>		
<p>Орденни қайтариб олиш учун петицияга имзо чекдилар... Тони Блэрга рицарлик ордени берилиши инглизларни ғазаблантирди</p>		
<p>Британия қироличаси Елизавета иккинчи қиролликнинг собиқ бош вазири Тони Блэрни давлат хизмати ва улкан ютуқлари учун совға сифатида энг кекса ва нуфузли рицарлик ордени билан мукофотлади. Лекин бу ҳалок бўлган инглиз аскарларининг оналари орасида катта норозилик уйғотди. Улар Тони Блэрни бу унвон билан ҳурматлашни катта ҳақорат сифатида баҳоладилар. Блэр 1997-2007 йилларда Британия бош вазири бўлиб ишлаган. У Бирлашган қиролликни Ироқ ва Афғонистондаги урушга олиб бориш қарори учун йиллар давомида танқидларга учраб келган. Ироққа кириш бўйича терговчи сер Жон Чилкот томонидан 2016 йилда тақдим этилган ҳисоботда Блэр Саддам Ҳусайн қуроллари ҳақидаги далилларни бўрттириб кўрсатгани ва Ироққа қўшин юбориш учун тинч йўлларга эътибор бермагани аниқланган.</p>		
<p>Блэрнинг ушбу унвонга эришгани эълон қилиниши ордидан 100000дан кўпроқ одам орденни қайтариб олиш тўғрисидаги петицияга имзо чекди. Унда таъкидланишича, Блэр «Британия конституцияси ва мамлакат ҳамжамияти структурасига тузатиб бўлмайдиган зарар етказган». Шунингдек, у сон-саноксиз бегуноҳларнинг ўлимига сабаб бўлгани ва уни уруш жиноятлари бўйича тафтиш қилиш керак дейилган. Бундан ташқари, Афғонистонда фарзандларини йўқотган оналар Блэрга бу унвон берилишини қоралаганлар. Яна улар ўз нафратларини кўрсатиш учун боқувчисини йўқотган оналарга бериладиган «Элизабет хочи» медалларини қайтариб бериш билан таҳдид қилишган. Сиёсий шарҳловчи Лиам Ёнг твиттерда шундай деб ёзди: «Бу одам Гаагадаги суд мажлисида бўлиши керак. Қандай ҳам шармандали кун».</p>		
<p>Ал-Ваъй: Британиядаги ҳамда мусулмон юртлар, хусусан, Кўрфаздаги ҳукмдорлар Блэрни тақдирланишга ҳақли деб ўйлайдилар. Ҳолбуки, у фарзандларини қатл қилинишига сабаб</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>Бўлган халқлар олдида асрнинг энг катта жиноятчиси ва «Жиноят курсисида ўтириши керак» бўлган шахсдир.</p>		
<p>Амирликлар... (исроилликлар)нинг ўғрилик айби билан ҳибсга олиниши</p>		
<p>(Исроил)да эфирга узатиладиган 12 каналнинг маълум қилишича, Амирликлар ҳукумати бож олинмайдиган бозорлардан маҳсулотларни ўғирлаш жиноятига қўл урган уч (исроил)ликни ҳибсга олган. Айтилишича, тортиб олинган ашёлар орасида қимматбаҳо алкогольли шишалар, қимматбаҳо шоколад қоплари ва олтин билан қопланган iPhone телефонлари бўлган. Улар чеккадаги бир хонага олиб борилиб, қайта бундай қилмасликлари ҳақида огоҳлантирилган. Шунингдек, уларнинг иши судга мурожаат қилинмасдан ҳал қилингани айтилган. Телеканалнинг таъкидлашича, умуман олганда, Дубайда улар (Исроил) билан муносабатларга жуда сезгир. Бундан ташқари, телеканал Дубай аэропортига қўниши биланоқ, (исроил)лик қўлга олингани ҳақида маълумот олгани ва у полиция томонидан терговга олиб кетилганини маълум қилди. Телеканал ўз сўзида давом этиб, шундай деган: «Тергов тафсилотлари ҳали ҳам номаълум, аммо унинг гиёҳванд моддалар ёки ўғрилик ишига алоқадорлиги ҳақида гап бор». (Исроил) оммавий ахборот воситалари сўнги ойларда (исроил)лик сайёҳлар Амирликларнинг Дубай шаҳридаги меҳмонхоналарда жойлашган хоналардан нарсаларни ўғирлашаётганини аниқлаган.</p> <p>Ал-Ваъй: Яҳудийлар шундай яралган, шунинг учун қаерга борсалар одамлар уларни ёмон кўрадилар, бундан ажабланмаса ҳам бўлади. Улар ўзларидан бошқаларни саводсиз деб ҳисоблашади... Телеканал айтган, умуман олганда Дубайда улар (Исроил) билан муносабатларга жуда сезгир деган гап Амирликларнинг (Исроил) билан алоқаларни нормаллаштириш қадами унинг халқининг эмас ҳукмдорларининг қадами эканига ишорадир. □</p>		

ҚУРЪОНИ ҚАРИМ СУҲБАТИДА

﴿وَإِنْ كَادُوا لَيَفْتِنُونَكَ عَنِ الَّذِي أُوحِيَٰنَا إِلَيْكَ لِتَفْتَرِيَ عَلَيْنَا غَيْرَهُ وَإِذَا لَا تَأْخُذُوكَ خَلِيلًا﴾

«(Эй Мухаммад, мушриклар) сизни Бизнинг шаънимизга, (ваҳийдан) ўзга нарсаларни тўқиб чиқаришингиз учун — Биз сизга ваҳий қилган оятлардан алдаб-буриб юборишларига оз қолди. У ҳолда, (яъни, уларнинг йўриқларига юрсангиз), сизни дўст қилиб олган бўлур эдилар»

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَإِنْ كَادُوا لَيَفْتِنُونَكَ عَنِ الَّذِي أُوحِيَٰنَا إِلَيْكَ لِتَفْتَرِيَ عَلَيْنَا غَيْرَهُ وَإِذَا لَا تَأْخُذُوكَ خَلِيلًا ﴿٧٤﴾ وَلَوْلَا أَنْ ثَبَّتْنَاكَ لَقَدْ كِدْتَ تَرْكَنُ إِلَيْهِمْ شَيْئًا قَلِيلًا ﴿٧٥﴾ إِذَا لَأَذَقْنَاكَ ضِعْفَ الْحَيَاةِ وَضِعْفَ الْمَمَاتِ ثُمَّ لَا تَجِدُ لَكَ عَلَيْنَا نَصِيرًا ﴿٧٦﴾ وَإِنْ كَادُوا لَيَسْتَفْرِزُونَكَ مِنَ الْأَرْضِ لِيُخْرِجُوكَ مِنْهَا وَإِذَا لَا يَلْبَثُونَ خَلْفَكَ إِلَّا قَلِيلًا ﴿٧٧﴾﴾

«73. (Эй Мухаммад, мушриклар) сизни Бизнинг шаънимизга, (ваҳийдан) ўзга нарсаларни тўқиб чиқаришингиз учун — Биз сизга ваҳий қилган оятлардан алдаб-буриб юборишларига оз қолди. У ҳолда, (яъни, уларнинг йўриқларига юрсангиз), сизни дўст қилиб олган бўлур эдилар. 74. Агар Биз сизни (ҳақ йўлда) собитқадам қилмаганимизда, сиз уларга бир қадар мойил бўлишингизга оз қолди. 75. У ҳолда албатта Биз сизга дунё (азобини) ҳам, охират (азобини) ҳам икки ҳисса қилиб тотдирган бўлур эдик, сўнгра ўзингиз учун Бизга қарши бирон мададкор топа олмаган бўлур эдингиз. 76. Улар сизни бу Ердан (Маккадан) чиқариб юбориш учун (турли макр-ҳийлалар билан) қўзғатиб юборишларига оз қолди. У ҳолда, уларнинг ўзлари ҳам сиздан кейин озгина (муддат) тура оладилар, холос (сўнгра, албатта ҳалок қилинурлар)» [Исро 73-76]

Саййид Қутб ўзининг «Қуръон соясида» номли тафсирида шундай ёзади: «Бу ерда мушрикларнинг Пайғамбар ﷺ ни ўзларига юкланган вазифани бажаришдан қайтаришга уринишлари ҳақида гап кетмоқда. Биринчидан, Улар – ҳалоллиги ва ростгўйлиги билан танилган Пайғамбар ﷺ Аллоҳга тўхмат қилиши учун Аллоҳ унга нозил қилган ваҳийдан васваса қилишга уринишди. Мушриклар ўз

уринишларини турли кўринишда амалга оширишди... Улар у зот тарафидан олиҳалари ва аждодлари амал қилиб келган ишлар айбланмаслиги эвазига, Аллоҳга ибодат қилишларини таклиф қилишди. Баъзилари эса ўз ерлари худди Каъбадек муқаддас қилинишини талаб қилишди. Яна баъзи оқсоқоллари камбағаллар мажлисидан бошқа махсус мажлис жойи белгиланишини талаб қилишди... Юқоридаги оят ушбу уринишларга ишора қилади, лекин уларнинг тафсилотларига киришмайди. Балки, Аллоҳ Росулulloҳ ﷺ га у кишини ҳақ устида собит қадам қилиши ва фитналардан узоқ қилишини эслатади. Шунингдек, Аллоҳ у кишини собит қадам қилмаганида фитналардан узоқ қилмаганида мушриклар у кишини дўст қилиб олишлари, оқибатда уларнинг фитнасига йўлиқиши ҳамда дунё ва охирада икки ҳисса азоб бериши ва Аллоҳнинг азобидан қутқарадиган бирон мададкор топа олмай қолиши ҳақида эслатади. Аллоҳ Таоло ўз Росулини мана шундай уринишлардан асради. Бу ҳокимият эгаларининг даъват соҳиблари билан бўлган ҳаракатлари бўлиб, бу орқали улар даъватчиларни оз бўлса-да даъватнинг тўғри йўли ва салобатидан буришни истайдилар. Шунингдек, уларни бойликлар эвазига ўртача ечимга рози бўлишларини хоҳлашади.

Айрим даъватчилар шу орқали даъватларидан чалғийди, чунки у ишни енгил деб ўйлайди. Ҳокимият соҳиблари ундан даъватини барчасини тарк қилишини талаб қилмайди. Балки, токи икки тараф йўлнинг ўртасида учрашиши учун айрим ўзгартиришларни талаб қилади. Шайтон эса айнан мана шу тешиқдан кириб келади. Натижада у даъватнинг бир жиҳатидан чекиниб бўлса-да, султонни ўзига буриб олиш яхши иш деб ўйлайди. Лекин йўлнинг бошидаги кичкинагина тойилиш йўлнинг охирида тўла тойилишга айланади. Даъватчи даъватнинг кичкина бўлса-да бир қисмида таслим бўлса ва оз бўлса-да бир жиҳатига эътиборсиз қолса, биринчи мартада таслим бўлган пайтда туришга қодир бўлмайди. Чунки унинг таслим бўлишга тайёрлиги орқага қадам ташлагани сари ортиб бораверади. Бу ерда масала даъватнинг барчасига бўлган имон масаласидир. Шунинг учун кичкина бўлса-да унинг бир қисмидан чекинаётган ва оз бўлса-да унинг бир жиҳатига сукут қилаётган киши ўз даъватига ҳақиқий ишонадиган мўмин эмас. Чунки мўминни назарида даъватнинг ҳар бир жиҳати бошқаси каби ҳақдир. Унда афзал ва аҳамиятсиз, зарур ва нафл деган нарса йўқ. Унда яна истисно деган нарса ҳам йўқ. У бир

бутун бўлиб, агар бир қисмини йўқотса, барча хусусиятларини йўқотади. Бу худди мураккаб бир элементини йўқотса барча хусусиятларини йўқотганига ўхшайди. Ҳокимият эгалари даъватчиларни секин аста ўзларига жалб қиладилар. Агар даъватчилар даъватнинг бирор қисмида таслим бўлсалар, ўз ҳайбатини йўқотадилар. Ҳокимият эгалари савдолашишни давом эттириб, баҳони кўтариши бутун битимнинг таслим бўлишига олиб келишини билишади. Ҳокимият эгаларини ўз томонига тортиш учун даъватнинг кичик бир жиҳатида бўлса ҳам таслим бўлиш маънавий мағлубиятдир. Чунки бунда даъватга ёрдам бериш масаласида ҳокимият эгаларига суяниляпти. Аслида эса мўминлар ўз даъватларида фақат Аллоҳга суянишлари лозим. Қалб тубига мағлубият кирса, ғалабага айланмайди.

Шунинг учун Аллоҳ Таоло Росулини ўзи ваҳий қилган нарсада собит қилиш, мушрикларнинг фитнасидан сақлаш, уларга оз бўлса-да бўйин эгишидан асраш ҳамда мана шу бўйсунуш оқибатидан, яъни дунёю охиратда икки баробар азобланиши ва ёрдамчини йўқотишидан сақлаш билан тақдирлади.

﴿إِذَا لَأَذَقْنَاكَ ضِعْفَ الْحَيَاةِ وَضِعْفَ الْمَمَاتِ ثُمَّ لَا تَجِدُ لَكَ عَلَيْنَا نَصِيرًا﴾

(У ҳолда албатта Биз сизга дунё (азобини) ҳам, охират (азобини) ҳам икки ҳисса қилиб тотдирган бўлур эдик. Сўнгра ўзингиз учун Бизга қарши бирон мадакор топа олмаган бўлур эдингиз). Мушриклар Росулulloҳ ﷺ ни мана шу фитнага жалб қила олмагач, У зотни Маккадан чиқариб юборишга ҳаракат қилишди. Лекин Аллоҳ Таоло Қурайшни ўлдириш билан йўқ қилишни хоҳламагани учун у кишини ҳижрат қилиб чиқиб кетишларини ваҳий қилди.

﴿وَإِنْ كَادُوا لَيَسْتَفِزُّوكَ مِنَ الْأَرْضِ لِيُخْرِجُوكَ مِنْهَا وَإِذَا لَا يَلْبَثُونَ خَلْفَكَ إِلَّا قَلِيلًا﴾

(Улар сизни бу Ердан (Маккадан) чиқариб юбориш учун (турли макр-ҳийлалар билан) қўзғатиб юборишларига оз қолди. У ҳолда, уларнинг ўзлари ҳам сиздан кейин озгина (муддат) тура оладилар, холос (сўнгра, албатта ҳалок қилинурлар)). Агар улар Росулulloҳ ﷺ ни мажбур чиқаришганида, уларга ҳалокат бўлган бўлар эди.

﴿وَإِذَا لَا يَلْبَثُونَ خَلْفَكَ إِلَّا قَلِيلًا﴾

(У ҳолда, уларнинг ўзлари ҳам сиздан кейин озгина (муддат) тура оладилар, холос (сўнгра, албатта ҳалок қилинурлар)).

Аллоҳнинг амалдаги суннат-қонуни мана шудир.

﴿سُنَّةَ مَنْ قَدْ أَرْسَلْنَا قَبْلَكَ مِنْ رُسُلِنَا وَلَا تَجِدُ لِسُنَّتِنَا تَحْوِيلًا﴾

«(Ўз пайғамбарларини қувиб чиқарган қавмнинг ҳалок қилиниши) сиздан илгари юборган пайғамбарларимиздан қолган йўл-қонундир. Сиз ҳаргиз Бизнинг қонунимиз ўзгарганини кўрмайсиз» [Исро 77]

Дарҳақиқат Аллоҳ Таоло бунини ўзгармас қонунга айлантирди. Чунки элчиларни ўз юртидан қувиш кескин жазога лойиқ бўлган катта гуноҳдир. Бу коинот шахсий мулоҳазалар қаршисида ўзгармайдиган барқарор қонунлар билан бошқарилади. Бу коинотда ўткинчи тасодифлар ҳукмрон эмас, балки собит ва барқарор қонунлар ҳукмрондир. Аллоҳ Таоло олдинги пайғамбарларга қарши чиққанларни азоблаганидек, Қурайшни ҳам ўлдириш азоби билан азоблашни хоҳламаслигида юксак ҳикмат бўлган эди. Шунингдек, Аллоҳ Таоло Росулulloҳ ﷺ нини ғайриоддий ишлар билан қувватламади. Мушриклар у зотни ўз юртидан мажбур чиқариб юборишларини ҳам хоҳламади. Балки Аллоҳ Таоло ҳижрат қилиши учун ваҳий юборди. Аллоҳнинг суннати ўз йўлида ўзгармай давом этди. □

Британиялик журналист Дэвид Херст «**мустабид араб ҳукмдорлари жангда ғалаба қозонган бўлиши мумкин, бироқ кураш ҳали тугамади**» сарлавҳаси остида Middle East Eye сайтида нашр қилган мақоласида 2011 йили бошланган «Араб баҳори» норозиликларининг биринчи тўлқини ўтиб кетган бўлиши мумкинлигини таъкидлади. Унинг фикрича, 2021 йил араб баҳорининг расмий дафн маросими ўрнида бўлди. «Тунис ва Марокаш сайлов натижасида ҳокимиятга келган ҳамда исломчилар таъсири остида бўлган ҳукумат ва парламентларнинг ағдарилганига гувоҳ бўлди», дейди у. Унинг таъкидлашича, Ғарб «араб баҳори ислом қишига айланди» деб ҳисоблаб, енгил нафас олмоқда... Херстга кўра, араб мамлакатлари учун давлатнинг фақат битта модели, яъни мутлақ монархия, ҳарбий ёки сулолавий тузум қолган бўлиб, унинг мулозимлари махфий полиция, махсус кучлар ва ёлланма журналистлардан иборат... Улар аҳолининг «миясини тозалаш» ва норозиликларни бостиришга ҳаракат қилишади... Уларнинг қўлида ҳатто интернет ҳам оммавий назорат воситасига айланган.

Херст: Хўш, 2011 йилда араб оламини қамраб олган қўзғолон ўйини тугадими? – дея савол ташлайди. У бу саволга жавобан шундай дейди: «Ҳар бир араб давлати таназзулга юз тутди, ҳатто ҳалокат сари кетмоқда. Мисол учун, Мисрнинг 2010 йилда 33,7 миллиардни ташкил этган ташқи қарзи 2020 йилда 123,5 миллиард долларга кўтарилди. Жаҳон Банки маълумотларига кўра, қашшоқлик чегарасидан пастда яшаётган мисрликлар сони ҳам ортиб, 30 фоизга етган. Нефть ва табиий ресурсларга эга бўлган Ироқда аҳолининг 25 фоизи қашшоқликдан азият чекмоқда. Айни пайтда ишсизлик 14 фоизга етган. Ироқда энг кўп «маҳсулот» 5 миллион етим бўлди. Бу дунёдаги етимлар сонининг тахминан 5 фоизини ташкил этади. Бутун минтақа ёмон бошқарувдан азият чекмоқда. 2020 йилда БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти Яқин Шарқ ва Шимолий Африкада 69 миллион киши очликдан азият чекаётганини маълум қилди... Айни пайтда Кўрфаз шаҳзодалари мисли кўрилмаган ҳашаматли ҳаёт кечиришда давом этишмоқда. Бунга Дубай ҳукмдори Муҳаммад ибн Рашид Мактум билан унинг собиқ рафиқаси малика Ҳайя ўртасидаги ажрашиш иши бўйича суддаги муҳокамалар мисол бўла олади. Чунки бу суд жараёнида ҳашаматли ҳаёт даражасини кўрсатган рақамлар келтирилган». Херст ўз мақоласида қуйидаги хулосага келади: «Бундай тенгсизлик қўзғолонларни келтириб чиқаради. Бундан ўн йил олдин юз берган воқеалар кенг қўламли ва узоқ курашнинг бошланиши, холос. Бу курашнинг давом этиши аниқ».

Ал-Ваъй: Ҳа, Аллоҳнинг изни ила, яқин келажакда **пайғамбарлик минҳож**и асосидаги **Халифалик бўлади**. Ғарб нуфузи, унинг куфрга асосланган конституцияси ва унга қарам бўлган ҳукмдорлардан асар ҳам қолмайди. Яқин келажакда минтақа аҳолининг динига асосланган ўзгариш бўлади. Яқин келажакда араб баҳори, араб қиши ёки кузи деган нарса бўлмайди, балки, бутун инсониятни бахтли қилувчи ҳаёт келади... Эртанги кун уни кутган киши учун яқиндир. □

АҚШ КОНГРЕССИ БУТУН ДУНЁ БЎЙЛАБ ИСЛОМОФОБИЯГА ҚАРШИ КУРАШ БЎЙИЧА РЕЗОЛЮЦИЯ ЛОЙИХАСИНИ ЁҚЛАБ ОВОЗ БЕРДИ

АҚШ Конгресси вакиллар палатаси катта бўлмаган фарқдаги кўпчилик овоз билан (219 таси ёқлади, 212 таси қарши овоз берди) демократларнинг мусулмон вакили Илҳан Умар томонидан дунё бўйлаб исломофобияга қарши курашиш учун тақдим этилган қонун лойиҳасини маъқуллади. Бу қонун давлат департаментида бутун дунё бўйлаб исломофобияга қарши курашиш учун махсус бўлим ташкил этишни талаб қилади. Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши бутун дунё бўйлаб ўсиб бораётган исломофобия ҳолатлари кўпайиб бораётгани билан боғлиқ. Қонун лойиҳаси имзоланиши учун президент Жо Байденга топширилишидан олдин у сенат томонидан қабул қилиниши керак. Америка-ислом муносабатлари кенгаши раҳбари Ниҳод Аваз овоз беришни «Мусулмонлар учун тарихий муваффақият» деб ҳисоблаб, резолюция лойиҳаси конгрессдаги етакчилар билан ҳамкорлик эканини тушунтирди. Исломий алоқалар кенгаши (CAIR) резолюция лойиҳасини юқори баҳолади ҳамда 53 Америка ва халқаро ташкилотлар АҚШ конгресси вакиллар палатасига йўлланган мактубда унга қўшилиб, қонун лойиҳасини тезда қабул қилишга чақирди.

«CNN» маълумотларига кўра, қонун лойиҳаси бир неча ойдан бери вакиллар палатасининг ташқи ишлар қўмитасида муҳокама қилинмоқда. Бу қонун эндиликда республикачи вакил Лорен Пубертнинг Илҳан Умарга қарши ирқчи баёнотларига жавобан киритилди; Пуберт ошкор қилинган интервьюсида ҳамкасби Илҳанни «Жиҳодчилар гуруҳи» аъзоси деб таърифлаб, унинг террорчи бўлиши мумкинлигини айтди. Шу ой бошида Илҳан CNN телеканалининг «Бирлик ҳолати» дастурида иштирок этди ва бу бутун жамиятда қўрқув тарқатишни ҳисобга олиб, ўзини ва жамоасини жуда қўрқувга соладиган сон-саноксиз ўлим таҳдидлари борлигини айтди. У юқори мартабали сиёсатчилар томонидан айтилаётган нафратли маърузалар ҳақиқий оқибатларга олиб келмаслигини таъкидлаб, АҚШда ёки дунёда мусулмонларга нисбатан нафрат кучайиб бораётганини таъкидлади. Пуберт Илҳан билан қўнғироқ қилиб, кечирим сўрашдан бош тортди, бироқ ўтган ой охирида у твиттер орқали «Мусулмон жамиятидаги менинг гапларимдан хафа бўлган ҳар қандай одамдан» очикдан-очик кечирим сўрайман, деди.

Ал-Ваъй: Дунёда исломофобияни ёйишда биринчи ўринда турган Америка халқаро можародаги сиёсатининг ўзгариши бошланишига жавобан Байден орқали сиёсатини ўзгартирмоқда, бу эса зиддиятни «Хитояфобия» томонга ўзгартиришни талаб қилади. Бу ўзгариш қаноатларнинг эмас, балки манфаатларнинг ўзгаришидир. Бу овоз бериш унинг янги халқаро сиёсатининг бир қисми бўлгани аниқ. Чунки қонунда «дунё бўйлаб (исломофобия) ҳодисасига қарши курашиш» белгиланган. Бошқача айтганда, бу кураш Америка раҳбарлиги остида бўлади ва ўз мевасини йиғиб олади. Шунингдек, у Хитойнинг Хитойдаги мусулмон уйғурларга нисбатан таъқибидан фойдаланиб, Хитой ва мусулмонлар ўртасида янги зиддиятни тирилтиришга ҳаракат қилади, бунда икки томон бир-бирини қурилади. Босня ва Герцоговина, Косова ва Афғонистонда бўлгани каби мусулмон ҳукмдорлар иштирок этади... Бу қонун АҚШнинг янги стратегиясининг бир қисмидир. □